

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

**Мавзу: Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари  
фаолиятини ташкил этиш**

**Бажарди: 4-курс “Давлат ҳуқуқий  
фаолият” йўналиши талабаси Усмонов  
Илхом Қаландарович.**

**Илмий раҳбар: “Давлат  
бошқаруви ҳуқуқи” кафедраси  
катта ўқитувчиси Хайитов  
Хушвақт Сапарбаевич**

**ТОШКЕНТ – 2014**

## **КИРИШ**

### **I БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

1.1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1.2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари

1.3. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: миллий ва ҳорижий тажриба

### **II БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

2.1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва регламенти

2.2. Халқ депутатлари Кенгашларида сессиялар, доимий комиссиялар фаолиятининг ташкил этилиши

2.3. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилишни такомиллаштириш.....45

**ХУЛОСА .....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....**

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, миллий, тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизга асосланиб, маҳаллий давлат ҳокимиятини ўзига хос модели яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Жойларда вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад, биринчидан; шу жойларда давлат органларини тузишда аҳолининг иштирокини таъминлаш, иккинчидан; маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни бамаслаҳат, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, учинчидан; ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатиш эди".<sup>1</sup> Мазкур фикрлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 7-моддасида назарда тутилган "давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ" номли принципга ва 1948-йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 21-моддаси 1-қисмида назарда тутиб ўтилган "ҳар бир инсон бевосита ёки еркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга" деган нормасига ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Давлат мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг маҳаллий вакиллик органлари учун тамал тоши сифатида назарда тутиладиган "Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ 1992 йил январдан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозими жорий этилди. Ҳокимликлар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат нуқтаи назаридан ва ҳудудда яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосланган ҳолда ҳал қилишлари белгилаб қўйилди.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.207.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий давлат ҳокимиятининг асосларини белгилаб берди. Конституциянинг XXI бобида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат муддати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларни лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид нормалар ифодасини топди.

1991 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, маҳаллий вакиллик органларида доимий комиссиялар тўла шакллантирилган. Лекин уларнинг ўз ваколатларига доир масалаларни кўриб чиқишлари, фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштироки, депутатлар масъулияти ва жавобгарлиги масалаларининг Кенгашлар «Иш тартиби», «Доимий комиссиялар тўғрисида»ги низомларда аниқ белгиланмагани, мавжуд нормаларни эса етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётганлиги Президент Ислом Каримов томонидан кўп маротаба таъкидланган ижро органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурати<sup>1</sup>, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашдаги сусткашлик жойлардаги муаммоларни изчил ҳал қилишга тўсқинлик қилмоқда. Доимий комиссиялар фаолиятидаги бу ва бошқа муаммолар уларга бағишланган тадқиқотларнинг илмий-назарий ва, айниқса, юксак амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, давлат қурилиши ва бошқаруви борасидаги ишларни изчил амалга ошириш борасида янги талабларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов эътироф қилганидек, “Муайян ижтимоий йўналишларга қаратилган дастурни амалга

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Халқ сўзи. 2004 йил, 26 май.

оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йўлда ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади<sup>1</sup>”.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Айниқса, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” моделининг илгари сурилаётганлиги, ушбу Қонунни ҳозирги замон талабларига қанчалик жавоб бера олишини ўрганиш, шу билан бирга қонунда белгиланган нормаларни қўлланиш даражасини, ҳолатини аниқлаш, баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида унинг маҳаллий давлат ҳокимияти тизимига ислоҳотлар ўтказиш заруратини вужудга келтирди.

**Тадқиқот предмети малакавий ишда кўриб чиқиладиган муаммолар.** Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари фаолиятини ташкил этишда сайловлар, сессиялар, доимий комиссияларнинг фаолият юритиши, кенгаш томонидан назорат қилинадиган ҳолатлар, депутатлар иш фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган масалалар, шунингдек вакиллик органлари фаолиятида учраб турадиган камчиликларни бартараф этиш каби ҳолатлар мазкур тадқиқот ишида кўриб чиқамиз.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Халқ депутатлари вилояи туман ва шаҳар Кенгашларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни яхлит тарзда ўрганиш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга

---

<sup>1</sup> Каримов И., Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мафаатлари – энг олий кадрят/ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2005. 8 декабрь.

зарур изоҳлар бериш, уларни демократик ислоҳотларнинг мақсад ва талабларига мувофиқлиги даражасини аниқлаш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари :**

— ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятини ташкил этишда доимий комиссияларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари ишини йўналтириш, мувофиқлаштириш ва уларга методик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

— халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг масъулиятини кучайтириш масалаларини тадқиқ этиш;

— доимий комиссиялар турларини белгилаш ва уларнинг таркибини шакллантириш тартибини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш;

— халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятида кенг омма иштирокини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилиш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари функциялари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга қаратилган илмий ва амалий хулосаларни шакллантириш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашларининг маҳаллий ижроия органлари устидан назоратини такомиллаштириш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатлари, уларни амалга оширишнинг шакл ва услубларини таҳлил қилиш;

— халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат ҳокимият органлари билан муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини ўрганиш ва бошқалар.

**Тадқиқот ишининг объекти.** Халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашларининг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий жараёнлар ва муносабатлар ташкил қилади

**Тадқиқот ишининг предмети.** Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда улар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалардан иборат.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида чиқарилган хулосалар ҳамда баён этилган қоидаларнинг халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлар фаолиятини ташкил этишнинг илмий асослаб берилганлиги ҳамда улардан услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Жойлардаги ҳаётий муаммоларнинг назардан четда қолаётганлиги, стратегик ислохотларнинг дастурлари ва қонун ҳужжатлари ижросининг сустлиги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини секинлаштирмоқда. Ушбу тадқиқот натижалари маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини амалга оширишнинг илмий базасини шакллантириш билан баробар, маҳаллий бошқарув самарадорлигини ошириш ва норматив-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот ишининг тузилиши.** Тадқиқот иши кириш, икки боб, олти праграф, хулоса ва фойданилган адабиётлардан иборат бўлиб, у 93 саҳифадан иборат.

## **I БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Ҳар бир давлатда марказий ва маҳаллий давлат органларини тизими тузилиши мақсад ва вазифалари муайян норматив ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан белгилаб қўйилади. Ҳусусан, Мамлакатимизда ҳам Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг тизими ҳам бир қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг 11-моддасида ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили конституция даражасида мустаҳкамланди. Унга асосан, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи асосланади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ваколатларини ажратиш асосида кўрсатар экан. Шу билан бирга Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш муҳим масала эканлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини ажратиш, улар функциясини катъий чегаралаш билан масала ҳуқуқий томондан ҳал қилинган ҳисобланмайди. Ваколатларнинг тақсимланиши давом этиб, улар марказий ва маҳаллий органлар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топсагина, ҳуқуқий давлат шартларига мос келади.

Ана шу масалани самарали ва муваффақиятли ҳал қилишда, маҳаллий ҳокимият органлари (вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари) нинг энг мақбул тизимини яратиш муҳимдир<sup>1</sup>. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг -“Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари”- бобида маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг янги тизими белгиланди.

---

<sup>1</sup> Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).–Т.: Академия, 2001. – 160 б.



1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциянинг XXI боби, - “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” деб аталади. Конституцияда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига бўлиниши белгиланди. Бу органларнинг тизими, мавқеи, вазифалари конституциявий меъёрлар билан мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини-ўзи бошқариш органларининг тизими бир-биридан ажратилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик органлари тизимига қиради ёки маҳаллий вакиллик органлари ўзини-ўзи бошқаришнинг етакчи бўғинидир деган ақидага барҳам берилди<sup>1</sup>.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси асосида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” муҳим қонунни қабул қилди. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунни аввалги шундай қонунлардан асосий фарқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) қонуннинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамма қўғонаси учун ягоналиги; 2) қонунда энг асосий масалаларнинг мустаҳкамланганлиги, қўпгина масалалар, ички ҳужжатлар билан ҳал қилиниши белгиланганлиги ва бошқа қонунлардаги масалаларнинг қайтарилмаганлиги; 3) қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий ва молиявий асослари мустаҳкамлаб қўйилганлиги. Бу маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини таъминловчи, уларнинг бошқа органларга иқтисодий қарамлигига барҳам берувчи асосий омил бўлди; 4) қонунда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида қонунийликнинг қафолатлари ҳақидаги махсус бобнинг мавжудлиги. Бу давлат фаолиятининг асоси қонунийликнинг амалдаги ифодаси бўлиб, ҳуқуқий давлат хусусиятига мос тушади. Ҳар иккала қонунда маҳаллий ҳокимият органлари билан

---

<sup>1</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари (илмий мақола). – Т.: Академия, 1999.

фукарларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими, фаолияти, вазифаси, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

Шундай қилиб, маҳаллий ҳокимият органлари тизимидан ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг ажратилиши амалдаги маҳаллий ҳокимият органлари тизимининг вужудга келишида муҳим тадбир бўлди.

Амалдаги Конституция қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд бўлиб, улар: кишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари - қуйи бўғин; туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари - ўрта бўғин ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари - юқори бўғин ҳисобланарди.

Конституция маҳаллий вакиллик органларини икки бўғинли тизимини мустақамлади ва бу маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топди.

Конституциянинг 99-моддасига биноан “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган, шунингдек шаҳар таркибига қирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фукарларнинг манфаатларини қўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни халқ этадилар”, дейилган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига қирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир”, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик принципларни амалга оширишнинг барча шакллари ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлади. Бунда вакиллик демократияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқ ҳокимиятчилиги вакиллик органлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси вакиллик органларини олий ва маҳаллий вакиллик органлари тизимига ажратди. Олий вакиллик органи- Олий Мажлис, Маҳаллий вакиллик органлари эса маъмурий-худудий

бирликларда тузиладиган вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари тизимида маҳаллий вакиллик органлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, маъмурий-худудий бирликларда тузиладиган халқ депутатлари Кенгашлари аҳолига энг яқин бўлган давлат органларидир. Маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади.

Маҳаллий вакиллик органлари собиқ Маҳаллий Советлар ўрнида ташкил этилган бўлсада, лекин, ташкил этилиши ва фаолиятининг мазмун моҳияти билан улардан бутунлай фарқ қилади<sup>1</sup>.

Маҳаллий вакиллик органлари тизимида вилоят халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида мавқега эгадир. Вилоятлар Ўзбекистон Республикасининг энг катта маъмурий-худудий бирлиги бўлиб, бир нечта туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларни ўз ичига олади. Шундай экан, вилоят халқ депутатлари Кенгашларининг вазифалари ҳам кенг қамровли бўлиб, бутун вилоят худуди бўйича амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, шартли равишда вилоят халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий вакиллик органларининг бош бўғини ёки энг юқори поғонаси деб эътироф этишимиз мумкин<sup>2</sup>.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайланадиган депутатларнинг сони ҳам туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан икки баробар ортиқ белгиланган. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкил этилишини белгилаб берувчи 1994 йил 5 майда қабул қилинган, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида шундай дейилади:

---

<sup>1</sup> Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. – Т.: Адолат, 1995.- 50 б.; Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш.. – Т., 2002.- 111 б.

<sup>2</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари (илмий мақола). – Т.: Академия, 1999.

“Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда - 60 тадан кўп бўлмаган;

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда - 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади,

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади”.

Маҳаллий вакиллик органларининг бошқа тизимларида бўлганидек Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг ҳам фаолиятига - тегишли вилоят ҳокими бошчилик қилади. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек тарихий ва миллий давлатчилик анъаналаримизга мос келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгиланган ҳокимиятнинг тақсимланиш принципига мутлақо тўғри келади. Чунки, “... ҳокимлар вакиллик органлари тизимини ва вакиллик ҳокимиятини бошқаради деган сўзни бошқарувни тўла маъносида тушунмаслик керак. Сабаби бошқаради сўзи тўла маънода амал қилса, унда бошқариладиган орган бошқарувчи органга бўйсунуши, ҳисобот бериши керак. Вакиллик органлари эса ҳокимлар олдида ундай мажбуриятга эга эмас (аксинча ҳокимлар вакиллик органлари олдида ҳисобот бериб туради)”<sup>1</sup>

Бундан хулоса чиқариб шуни айтишимиз мумкинки, Халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимларнинг бошчилик қилиши уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш, мувофиқлаштириш ва жойларда бошқарувни яқкабошчилик асосида бошқариш каби маъноларини англатади.

Ҳокимлар маҳаллий вакиллик органларига бошчилик қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99 ва 102-моддаларида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланган тартибда амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> Хусанов О. “Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият”, Тошкент, 1996 й., 48-49 бетлар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз фаолиятларини сессияларда, доимий комиссиялар ва сайлов округларида ва бошқа қонунларда белгиланган шакллар асосида амалга оширадилар<sup>1</sup>.

Халқ депутатлари Кенгашлари коллегиял орган ҳисобланиб, асосий ваколатларига тегишли бўлган масалаларни умумий мажлислар ва сессияларда ҳал этадилар. Сессия-депутатларнинг умумий мажлиси бўлибгина қолмасдан, балки фаолиятининг асосий ташкилий шакли ҳам ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида икки марта чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида, сессия Кенгаш депутатларининг учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чиқарилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Аммо, бизнингча депутатларнинг учдан икки қисми кўп сонли бўлиб, депутатларнинг учдан бир қисми деб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз ўрнида депутатларнинг фаоллигини, уларнинг ташаббускорлигини янада оширган бўлар эди. қолаверса, Олий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессиялари Олий Мажлис депутатларининг учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилиши мумкин<sup>2</sup> бу тажрибани маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига ҳам тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳудудлари сайловчилари ва аҳоли сони ҳисобидан айрим давлатлардан устун туради. Бу эса, Республикаимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликларида алоҳида ўзига хос равишда яъни яккабошчилик асосида бошқарувни ташкил этилганлигидир.

---

<sup>1</sup> Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).–Т.: Академия, 2001. – 160 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти. 1995 йил, 5 май. 6-модда.

Натижада шу давргача, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилишининг ҳамма бўлакларида давлат хокимияти вакиллик органлари тузилади деган коида бархам топди. Республиканинг энг куйи бўлинишлари -кишлок, посёлка (шахарча) ларда вакиллик органлари тузилмайдиган бўлиб, махаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими, яъни: туман, шахар халк депутатлари Кенгашлари - куйи бўғин; вилоятлар ва Тошкент шахар халк депутатлари Кенгашлари - юкори бўғин вужудга келади.

Махаллий вакиллик органлари икки бўғинлиги тизимнинг ўрнатилиши билан чекланилмай, мавжуд худудий тузилишларнинг ҳам баъзиларида махаллий вакиллик органлари тузилмайдиган бўлди.

Ўзбекистонда туманларнинг икки тури, вилоятлар таркибига кирувчи ва шахарлар таркибига кирувчи туманлар, шахарларнинг уч тури, туманга бўйсунувчи, вилоятга бўйсунувчи ва республикага бўйсунувчи шахарлар мавжуд.

Конститутсия ва конун шахар таркибига кирувчи туманларда ва туманга бўйсунувчи шахарларда вакиллик органларининг тузилишини назоратда тутмайди.

Кишлок ва шахарчаларда вакиллик органларининг тугатилишининг иктисодий томондан тўғрилиги яна шундаки, конун меъёрларига асосан махаллий вакиллик органларининг энг асосий ваколатларидан бири махаллий бюджетни шакллантириш хисобланади. Кучли бюджетга эга бўлиш учун эса, вакиллик органларига бўйсунадиган корхона, ташкилотлар шу худудда етарли бўлиши керак. Хакикатда эса кишлок ва шахарчалар худудидаги корхона ва ташкилотлар (аксарият холларда) юкори органларга бўйсунди ва улардан кишлок, шахарчаларнинг бюджетига деярли хеч нарса тушмайди. Натижада кишлок ва шахарча кенгашлари заиф, бирон бир иктисодий муаммоларни хал кила олмайдиган ташкилотга айланиб қолади. Хозирги бозор иктисоди шароитида эса кўплаб кишиларни, кишлок ва шахарча кенгашларига депутат бўлиб сайланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу

органларга, аввало, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчилар кўплаб сайланар, уларни ўз ишидан қолиб, Кенгаш ишида (сессиясида) қатнашиши қорхона, ташкилотларга сезиларли иқтисодий зарар етказар эди. Бутун Республика миқёсида бу нарса ҳисоблаб чиқилса салмоқли маблағ бўлади. Энди доимий комиссиялар ишидаги иштироки турли тадбирларга жалб қилиниши эса, иқтисодий зарарни янада чуқурлаштиради. Қишлоқ ва посёлка кенгашларига сайлов вақтидаги харажатларни ҳам кўшма аҳвол яна ҳам оғирлашади, шунингдек шаҳарга бўйсинувчи туманларда, туманга бўйсинувчи шаҳарларда ҳудудий чегараларнинг ўзаро яқинлиги ҳам шу жойлардаги ҳудуднинг аҳолисини тегишли вакиллик кенгашлари ҳал этиш назарда тутилади<sup>1</sup>.

Маҳаллий вакиллик органлари тизимини вужудга келтиришда ва уларнинг такомиллашувида бошқа қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида” ги 1994 йил 5 май қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қонуннинг асосий мақсади Конституцияда мустақамланган янги ҳолатларни ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Ундаги янги шаҳарлар шу туфайли вужудга келади. Қонунда аввалги шундай қонунлардаги демократик ҳолатлар сақлаб қолинган, яъни сайловлар умумий, тенг тўғридан-тўғри сайлов принципи асосида ўтиши, унинг ҳамма босқичларида фуқаролар иштирок этиши номзодларга бир хил шароит яратилиши, уларнинг ҳуқуқлари қафолатланиши, сайлов тадбирлари давлат бюджетидан қопланиши янги қонунда ҳам ўз ифодасини топди.

Амалдаги маҳаллий вакиллик органларининг тизими уч босқичда ўтказилган ислохот натижасида вужудга келди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. – Т.: Адолат, 1995.- 50 б.; Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш.. – Т., 2002.- 111 б.

<sup>2</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари (илмий мақола). – Т.: Академия, 1999.

А) биринчи боскич 80-йилларнинг иккинчи ярмидан 1991 йил 1 сентябргача, яъни республикаимиз мустакилликка эришгунгача бўлган давр. Бу даврда амалга оширилган асосий тадбирлар:

- сайлов ўтказиш тартибларига киритилган ўзгартиришлар (айрим худудий бўлакларда эксперимент сифатида сайлов ўтказилганлиги);

- 1989 йил 20 октябрда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ҳақида қонун қабул қилиниши, 1990 йил февралда эса шу қонун асосида сайловларнинг демократик асосда ўтиши;

- вакиллик органлари аҳамиятини кучайтириш мақсадида, уларнинг ҳар қандай ишига ижро органлари (ижроқомлар) аралашувига барҳам бериш мақсадида маҳаллий советларнинг Президиумлари ва раислари лавозими ташкил этилиши;

- ислохотнинг биринчи босқичга ҳос муҳим хусусияти, уни Ўзбекистон Республикаси ҳали иттифок таркибида турганида ўтказилганидир;

б) иккинчи босқич 1991 йил 1 сентябрдан 1992 йил 8 декабргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” ги қонуннинг 5-моддасида қайд қилинган ҳокимиятнинг бўлиниш принципи ҳаётда татбиқ қилина бошланди. Республикада ижро ҳокимиятини мустаҳкамлаш, аҳамиятини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳоким лавозими жорий қилинди. 1992 йил 4 январда “Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида” ги қонуннинг<sup>1</sup> қабул қилиниши эса, маҳаллий ҳокимиятни амалга оширувчи икки мустақил давлат органларини қонунан мустаҳкамлади. Халқ депутатлари Кенгашлари маҳаллий вакиллик органлари, ҳокимлар ижро ҳокимиятининг органи деб эътироф этилди. Натижада маҳаллий ижро ҳокимиятининг мустақил янги тури, ҳокимлик институти вужудга келди;

в) учинчи босқич-1992 йил 8 декабрда Республиканинг биринчи мустақиллик Конституциясини қабул қилиниши билан бошланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1992 й



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиб, ўз сиёсий суверенитетига эга бўлган кунданок ўз ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиётининг янги йўллари билан белгилаб олди. Буни амалга ошириш учун эса давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш талаб этиларди, зеро республикада давлат органлари демократик йўл билан ташкил этилган бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ҳам амалда бажарилмасдан қолиб кетиши муқаррардир. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати давлат органларини қайта ташкил этишда демократик ва адолатли йўл тутди. Биринчи навбатда пухта ўйланган чора тадбирлари ишлаб чиқилди ҳамда босқичма-босқич амалга оширилди. Ушбу танланган йўлнинг тўғрилигини давлат органларининг бугунги кундаги фаолияти тасдиқламоқда.

“Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 1992 йил январдан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозими жорий этилди. Ҳокимликлар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат нуқтаи назаридан ва ҳудудда яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосланган ҳолда ҳал қилишлари белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимиятига оид вазифаларни бажариш учун ҳокимлар ҳузурида ижроия аппарати тузилди. Бу аппарат илгари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижроия кўмиталари бажариб келган вазифаларни ўз зиммасига олди. Шу билан бирга республика ва маҳаллий даражада бошқарув органларининг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди<sup>1</sup>.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий давлат ҳокимиятининг асосларини белгилаб берди. Конституциянинг XXI бобида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилиги қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик

---

<sup>1</sup> Бойдаев М. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари вазифаларининг ривожланиш шакли ва услублари. – Т.: ТДЮИ, 2003, 64-б.

органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат муддати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларни лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид нормалар ифодасини топди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатига эҳтиёж туғилганлиги боис, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги<sup>1</sup> Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун VII боб, 29 моддадан иборат бўлиб, ўз вақтида маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ижобий аҳамият касб этди. Қарийб ўн уч йил давомида ушбу Қонунга 4 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига оид бўлган нормалар 50 дан зиёд қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, давлат қурилиши ва бошқаруви борасидаги ишларни изчил амалга ошириш борасида янги талабларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов эътироф қилганидек, “Муайян ижтимоий йўналишларга қаратилган дастурни амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофлича ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йўлда ғов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади<sup>2</sup>”.

---

<sup>1</sup> Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 02.09.1993 й. 913-ХП-сон Қонуни) / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда

<sup>2</sup> Каримов И., Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мафаатлари – энг олий кадрят/ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2005. 8 декабрь.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Айниқса, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” моделининг илгари сурилаётганлиги, ушбу Қонунни ҳозирги замон талабларига қанчалик жавоб бера олишини ўрганиш, шу билан бирга қонунда белгиланган нормаларни қўлланиш даражасини, ҳолатини аниқлаш, баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида унинг мониторингини ўтказиш заруратини вужудга келтирди.

Республикаимизда давлат органларини ислох этиш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш давом этмоқда. Маҳаллий давлат органлари, жумладан, маҳаллий вакиллик органлари, уларнинг депутатлари фаолияти юзасидан таниқли ҳуқуқшунос олимларнинг кўплаб ва асосли эътирозлари ҳали бу борада қатор муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Ҳаммамизга маълумки, мустақилликнинг биринчи йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида таҳсинга сазовор ислохотлар амалга оширилиб, бунга асосан икки мустақил, аммо баҳамжиҳат ишловчи маҳаллий вакиллик ва ижро органи ташкил этилган эди. Маҳаллий давлат ҳокимиятида амалга оширилган ислохотлар, албатта, маҳаллий давлат органларининг демократик тамойиллар асосида ташкил этилиши, улар вазифаларининг аниқ ва самарали амалга ошиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, бошқарувни марказдан жойлардаги маҳаллий органлар ихтиёрига ўтиши каби ижобий самараларга олиб келди<sup>1</sup>.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги илмий изланишлари ва таҳлилларининг кўрсатишича, маҳаллий

---

<sup>1</sup> Азизхўжаев А.А. Мустақилликка: курашлар, истироблар, қувончлар. (рисола). – Т.: Шарқ, 2001. – 140 б.

давлат ҳокимияти органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар давр ва тараққиёт талабига мослашиб доимо ҳаракатда ва ривожланишда давом этмоғи лозим. Айтмоқчимизки, кейинги йилларда ислоҳотлар давлатнинг фақатгина марказий органлари тизимида амалга оширилмоқда, маҳаллий давлат органлари тизимидаги ислоҳотлар эса ҳаракатдан ва ривожланишдан анчагина четда қолмоқда.

Шу ўринда, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги муаммоли деб эътироф этилаётган баъзи масалаларни кўрсатиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизга маълумки, Олий Мажлис сессиялари Республика миқёсида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, сессиянинг ўтиши, унга киритилган масалалар ва уларнинг ҳал этилиши, қонунларнинг қабул қилиниши ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши каби муҳим масалалар ўзининг долзарблиги нуқтаи назаридан аҳолининг диққат марказида туради. Жойлардаги маҳаллий Кенгашлар сессиялари фаоллиги эса нисбатан аҳоли диққат марказидан четда қолаётганлиги кўзга ташланади. Баъзи ҳолларда маҳаллий Кенгаш сессияларига киритилган масалалардан, уларнинг қай тартибда ҳал этилганлигидан, ҳаттоки, сессия бўладиган кундан ҳам аҳолининг кўпчилик қисми ҳабардор бўлмайди. Ваҳоланки, маҳаллий Кенгашлар ҳал этадиган масалалар доираси жуда кенг қамровли бўлиб, тегишли ҳудуд аҳолиси учун жуда муҳим аҳамият касб этиши лозим. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини жонлантириш, уларнинг сессиялари самарадорлигини ошириш, Кенгаш ишларига аҳолини кенгроқ жалб этиш, сессияга киритилган масалалар тўғрисида аҳоли фикрини ўрганишни янада кенгроқ ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.<sup>1</sup>

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини жонлантириш ва самарадорлигини ошириш учун улар таркибида фаолият юритаётган депутатларнинг фаоллигини таъминлаш тақоза этилади. Ўзбекистон Республикасида

---

<sup>1</sup> Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари (илмий мақола). – Т.: Академия, 1999.

маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишлари учун етарли даражада демократик талабларга жавоб берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бироқ, маҳаллий Кенгаш депутатлари бу ваколатлардан етарли даражада фойдаланиб, ўзларининг вакиллик ваколатларини тўла адо этаяпти, деб айта олмаймиз. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолияти кейинги йилларда анчагина сезиларсиз бўлиб қолаётганлиги албатта ачинарли ҳолдир.

«Халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатларни сайлашга маъсулият билан ёндашиш зарур. Чунки, айрим депутатлар «андишага бориб» ўзларининг назорат ваколатидан, хусусан «Депутат сўрови»дан деярли фойдаланмаяптилар».<sup>1</sup>

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий мақсад ҳамда вазифалари жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш экан, ҳар қайси маҳаллий органнинг вазифа ҳамда ваколатлари янада тўғри тақсимланиб улар зиммасига қонунлар асосида белгиланган конкрет ва аниқ вазифалар юклатилиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, маҳаллий ижро ҳамда маҳаллий вакиллик органи учун алоҳида қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, ҳозирги кундаги мунозарали масалалардан бири ҳам маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг бир шахс томонидан бошқарилаётганлигидир, ҳар қайси орган учун алоҳида қонун қабул қилиш эса уларнинг бир-биридан мутлоқ мустақил бўлишига олиб келади ва шу орқали ҳуқуқшунос олимларнинг асосли эътирозларига барҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси вакиллик органларини олий ва маҳаллий вакиллик органлари тизимига ажратди. Олий вакиллик органи- Олий Мажлис, Маҳаллий вакиллик органлари эса маъмурий-худудий

---

<sup>1</sup> Каримов И. «Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда», Т, «Ўзбекистон», 2002 йил, 211-б.

бирликларда тузиладиган вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари тизимида маҳаллий вакиллик органлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, маъмурий-худудий бирликларда тузиладиган халқ депутатлари Кенгашлари аҳолига энг яқин бўлган давлат органларидир. Маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади.

Маҳаллий вакиллик органлари собиқ Маҳаллий Советлар ўрнида ташкил этилган бўлсада, лекин, ташкил этилиши ва фаолиятининг мазмун моҳияти билан улардан бутунлай фарқ қилади.

Маҳаллий вакиллик органлари тизимида вилоят халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида мавқега эгадир. Вилоятлар Ўзбекистон Республикасининг энг катта маъмурий-худудий бирлиги бўлиб, бир нечта туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларни ўз ичига олади. Шундай экан, вилоят халқ депутатлари Кенгашларининг вазифалари ҳам кенг қамровли бўлиб, бутун вилоят худуди бўйича амалга оширади. Шундан келиб чиқиб, шартли равишда вилоят халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий вакиллик органларининг бош бўғини ёки энг юқори поғонаси деб эътироф этишимиз мумкин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайланадиган депутатларнинг сони ҳам туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан икки баробар ортиқ белгиланган. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкил этилишини белгилаб берувчи 1994 йил 5 майда қабул қилинган, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида шундай дейилади:

---

<sup>1</sup> Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 190 б.

“Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда-60 тадан кўп бўлмаган;

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда - 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади,

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади”<sup>1</sup>.

Маҳаллий вакиллик органларининг бошқа тизимларида бўлганидек Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг ҳам фаолиятига - тегишли вилоят ҳокими бошчилик қилади. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек тарихий ва миллий давлатчилик анъаналаримизга мос келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгиланган ҳокимиятнинг тақсимланиш принципига мутлақо тўғри келади. Чунки, “... ҳокимлар вакиллик органлари тизимини ва вакиллик ҳокимиятини бошқаради деган сўзни бошқарувни тўла маъносида тушунмаслик керак. Сабаби бошқаради сўзи тўла маънода амал қилса, унда бошқариладиган орган бошқарувчи органга бўйсунishi, ҳисобот бериши керак. Вакиллик органлари эса ҳокимлар олдида ундай мажбуриятга эга эмас (аксинча ҳокимлар вакиллик органлари олдида ҳисобот бериб туради)”<sup>2</sup>

Бундан хулоса чиқариб шуни айтишимиз мумкинки, Халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимларнинг бошчилик қилиши уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш, мувофиқлаштириш ва жойларда бошқарувни яқкабошчилик асосида бошқариш каби маъноларини англатади.

Ҳокимлар маҳаллий вакиллик органларига бошчилик қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99 ва 102-моддаларида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланган тартибда амалга оширилади.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда

<sup>2</sup> О.Хусанов “Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият”, Тошкент, 1996 й., 48-49 бетлар.

1.2. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари сайловлар орқали ташкил этилади. Сайловларни ўтказишда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳақиқий демократик орган саналиб, улар сайлов асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқига мувофиқ яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига халқ депутатларини сайлаш бир мандатли сайлов округлар бўйича кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Мазкур Кенгашларга депутатлар беш йил муддатга сайланадилар. Бу эса ўз навбатида сайловда кўплаб сиёсий партияларнинг, турли давлат тизимларининг ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари иштирок этиши, улар ичидан муқобиллик асосида энг яхшиларини сайлаш имкониятини яратади. Сайловларни бундай ташкил қилиш ҳозирги демократия талабларига тўла мос келиши билан бирга энг муносиб номзодларни, сайловчилар манфаатларини сидқидилдан ҳимоя қила оладиган кишиларни сайлаш учун кенг имкониятлар туғдиради. Юқорида тилга олинган қонунда сайлов ҳуқуқи ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб берилган. Умумий сайлов ҳуқуқи дейилганда қуйидаги қоидаларни англамоқ жоиз: сайлов ҳуқуқига сайлов кунига қадар 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳақлидирлар, сайланиш ҳуқуқига эса, сайлов кунига қадар вакиллик органларига тегишлича 21 ёшга ва 25 ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар. Айни пайтда қонунда суд томонидан фаолияти тақиқланган ёки озодликдан маҳрум этилган фуқаролар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилган. Ушбу моддадан яна бир шундай хулоса келиб чиқадики, унга кўра суд ҳукми кучга кирмаган бўлса, агар фуқаронинг иши суд



муҳокамасида бўлса ҳам, унинг сайловчилик ҳуқуқи сақланиб қолади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши айбсизлик презумпциясига ҳам, халқаро ҳуқуқнинг инсонпарвар анъаналарига ҳам мутлақо мос келади.

Жойлардаги ҳокимият органларига депутатлар сайлаш эркин ва ёпиқ тарзда ўтказилиб, унда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларига четдан таъсир кўрсатиш ёки уларни назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»<sup>1</sup> Қонунида ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича қатор муҳим йўл-йўриқлар кўрсатиб берилган. Мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш учун ошқора ва очиқ-ойдин тарзда фаолият кўрсатувчи махсус сайлов комиссиялари ташкил этилади. Уларнинг зиммасига фуқароларни ўз ишларининг бориши тўғрисида хабардор қилиб туриш, яъни фуқароларни сайлов участкаси ташкил этилганлиги, сайлов комиссияси таркиби, сайловчилар рўйхати билан таништириш, депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан, овоз бериш, сайлов натижалари билан таништириб бориш вазифаси юкланади.

Мазкур қонуннинг 7-моддаси сайлов округларини ташкил қилиш жараёнини ҳар томонлама белгилаб беради: вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказиш учун 60 тагача сайлов округлари ташкил этилади, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш учун эса 30 тагача сайлов округлари ташкил этилади. Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади. Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сонининг қисқартирилиши уларнинг сифати ошишини таъминлаши зарур, яъни сайланажак депутатлар халқ орасида энг катта обрўга, меҳнат жамоаларида маълум нуфузга, давлат қурилиши масалаларини ҳал этиш борасида муайян тажрибага эга кишилар бўлмоғи лозим.

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда

Ушбу қонунда белгиланган қоидаларга кўра вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатларини сайлаш учун тузилажак сайлов округларининг миқдори мазкур халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланади. Ушбу масалани ҳал этишда Кенгашлар аҳолиси сони ва, айти пайтда, сайловчилар миқдори, ҳудуднинг катта-кичиклиги ва бошқа маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқадилар.

Сайлов округлари сайловчиларнинг ҳаммасини, айти пайтда, вилоят, туман ва шаҳарларнинг маъмурий бўлиниши бўйича ҳамма ҳудудларни қамраб олиши, ўн беш кун ичида муайян вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан мазкур вилоят, туман ва шаҳар сайлов округларининг рўйхати улар орқали оммага етказилиши керак<sup>1</sup>.

Ушбу қонуннинг 8-моддасида сайлов участкаларини ташкил этишнинг тартиб ва қоидалари белгилаб берилган. Хусусан, унда сайлов участкалари туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан туман ва шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра, ҳарбий қисмларда эса ҳарбий қисм ёки қўшин бирлашмалари кўмондонларининг тавсиясига кўра ташкил этилиши қайд этилган. Сайлов участкалари сайлов белгиланган кундан бошлаб ўттиз кун ичида ташкил этилиши керак. Ҳарбий қисмларда, шунингдек, етиб бориш қийин бўлган жойларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддат ичида, жуда кечикиб кетган тақдирда (истисно тариқасида) эса сайлов бошланишидан 5 кун илгари ташкил қилиниши белгилаб қўйилган. Сайлов участкалари сайловчилар учун жуда қулай шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида ташкил қилинади. Шунинг учун ҳам улар айрим ҳолларда ҳарбий қисмларда, санаторияларда, шифохоналарда ва бошқа доимий даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотларда ташкил этилади.

Сайлов участкалари қоида тариқасида камида 20 нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат тартибда тузилади. Сайловчилар қонунда кўзда тутилган барча ҳақ-хуқуқларидан фойдалана олиши учун қонунчилик идоралари туман ва шаҳар ҳокимиятларига ҳар бир сайлов участкаси учун алоҳида овоз

---

<sup>1</sup> Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002. – 194 б.

бериш биноти ажратишини топширади ва, айти пайтда, туман ва шаҳар сайлов участкасидаги комиссия зиммасига сайловчиларга мазкур сайлов участкасининг овоз бериш биноти қаерда эканлигини маълум қилиш вазифаси юкланган<sup>1</sup>.

Қонун томонидан мустақамлаб қўйилган ушбу тадбирларни амалга ошириш туфайли ҳар бир сайловчи нафақат ўз ҳуқуқига эга бўлади, балки, айти пайтда, у ўзининг бевосита фуқаролик бурчини адо этиб, вилоят, туман ва шаҳар каби жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайловида иштирок этади.

Юқорида тилга олинган қонуннинг 9-моддасида сайлов комиссиялари қандай тартибда тузилиши аниқ қилиб белгилаб берилган. Хусусан, унга мувофиқ сайлов комиссиялари қуйидагича тузилади:

- а) халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;
- б) халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;
- в) халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;
- г) округ сайлов комиссияси;
- д) участка сайлов комиссияси.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича масъул комиссияларни белгилаш билан бирга қонун чиқарувчи органлар уларнинг ташкил этилиши борасида қоидаларни, уларнинг ваколатлари ва мажбуриятларини ҳам қатъи белгилаб берган. Масалан, қонуннинг 10-моддасида вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси мазкур вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов куни белгиланганидан кейинги 10 кун ичида ташкил этилиши ва унинг таркибида раис ва 6-14 нафар комиссия аъзолари бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, бу ерда сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ва котиби унинг биринчи мажлисидаёқ мазкур комиссия аъзоларининг орасидан сайланиши қайд этилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўјрисида»ги Қонунига шарҳ. – Т.: Адолат, 1995.- 50 б.

Қонуннинг 11-моддасида вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларни ўтказишда округ сайлов участкалари зиммасига асосий вазифалар юклатилади. Мазкур қонуннинг 12-моддасига биноан округ сайлов комиссиялари тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайлов куни белгиланганидан кейин кечи билан йигирма кун ичида ташкил этилиб, унинг таркибига комиссия раиси, унинг муовини ва 6-8 нафар бошқа комиссия аъзолари киритилади.

Мазкур қонуннинг 13-моддасида округ сайлов комиссияси ваколатлари ҳар томонлама аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Сайлов кампаниясида асосий ўринда участка сайлов комиссияси туради. Бинобарин, у туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайлов куни белгилангандан кейин 50 кун ичида 5-19 киши таркибига ташкил қилиниб, унинг ўз раиси, раис муовини ва котиби бўлади. Қонунда муайян шарт-шароитларга кўра комиссия аъзоларининг сони оширилиши ёки камайтирилиши ҳам кўзда тутилган. Агар комиссия аъзоларининг сони 7 кишидан ошмаса, улар орасидан фақат раис ва котиб сайланади. Қонунда участка сайлов комиссиясининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киритилган: сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхатини тайёрлаш; сайловчиларни улар билан таништириш, рўйхатдаги камчиликлар ва хатоликлар бўйича аризаларни кўриб чиқиш, рўйхатга аризаларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш масаласини ҳал этиш; сайлов кунида ўз истиқомат жойларида бўлмасликлари ёки бошқа сабаб-ларга кўра сайловда бевосита иштирок қила олмайдиган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олиш; аҳолини сайлов куни ва унинг ўтказилиш жойидан хабардор этиш; сайлов ўтказиладиган бинони тайёрлаш, унга сайлов қутиларини ва бошқа сайловга зарур асбоб-ускуналарни ўрнатиш; сайлов кунида сайлов участкасида овоз беришни ташкил қилиш; сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш; сайлов ўтказиш ва овоз беришни ташкил қилиш борасида тушган аризаларни қабул қилиш ва улар юзасидан муайян чора-тадбирларни кўриш;

мазкур қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тарзда бошқа ваколатларни амалга ошириш<sup>1</sup>.

Шунингдек, қонунда сайлов комиссияларининг фаолият юритиш муддатлари ҳам қатъи белгилаб қўйилган. Масалан, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур кенгашлар томонидан муайян округлар бўйича депутатларнинг ваколатлари тан олингандан кейин тўхтатадилар. Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари эса муайян кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича барча сайлов округларида депутатлар сайлаб бўлингач, ўз фаолиятини тўхтатадилар.

Қонуннинг 18-моддаси ҳам ҳозирги замон ҳуқуқий давлати қоидаларига мутлақо мос келиб, унга биноан сайлов комиссияларининг қарорлари юзасидан депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, ҳоки-миятнинг вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар томонидан юқори сайлов комиссияларига ёки судга қарор қабул қилингандан кейинги ўн кун ичида ариза ёки норозилик билдириши мумкин. Қонунда келиб тушган ариза уч кун ичида кўриб чиқилиши лозимлиги, агар сайловга олти кундан камроқ вақт қолган бўлса, зудлик билан кўриб чиқилиши лозимлиги алоҳида қайд этилгандир.

Маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказиш борасидаги қонунда сайловларни тайинлаш, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олишнинг ҳуқуқий томонлари ҳам ҳар жиҳатдан батафсил таҳлил этилгандир.

Маҳаллий Кенгашларга сайловлар барча даражада, одатда, бир вақтда ўтказилади ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимият органи Олий Мажлис томонидан депутатларнинг ваколатлари тугашидан уч ой илгари белгиланади. Ҳозирги кунда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни тайинлаш бўйича янги қоидалар киритилди. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар.2012.

принциплари тўғрисида»ги<sup>1</sup> 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган конституциявий қонунининг 3-моддасида белгиланган ва шунга асосан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар уларнинг конституциявий ваколати тугайдиган йилда декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Мазкур конституциявий қонунга асосан бу янгиликлар амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунимизга киритилди. Ушбу кун белгилангандан кейинги уч кун ичида сайлов куни ҳақида барча матбуот органлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Аҳолига сайловлар тўғрисида бу тарзда маълумот бериш давлат ҳокимияти органлари ушбу вилоят, туман ва шаҳар депутатлари Кенгашига ўтказиладиган сайлов тадбирига ниҳоятда катта аҳамият беришидан далолат беради.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари эгадирлар, туман ва шаҳар депутатлари Кенгашига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эса сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгадир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бу тарзда номзодлар кўрсатиш тартиби сайловларни муқобиллик асосида ўтказишга, уларда турли давлат ва жамоат ташкилотларининг иштирок этишида популистик ва сафсатабозликка йўл қўймасликка, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида меҳнат жамоаларининг барчаси иштирок этаётганлиги ҳақидаги халқчилликнинг худди совет давридаги каби сохта демократияга йўл қўймасликка кенг имкониятлар яратади.

Лекин, юқорида қайд этиб ўтилган маҳаллий Кенгашларга номзодларни кўрсатиш тартиби «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги<sup>2</sup> Қонунга асосан ўзгартирилди. Вакиллик органлари номзодларни кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва номзодлар фақат сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан

---

<sup>1</sup> Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда

<sup>2</sup> Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда

кўрсатилади. Бу янги қоидалар амалдаги қонунларга ўзгартиришлар ва кўшимчалар сифатида киритилади.

Сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиши учун сайлов куни белгилангандан кейинги йигирма кун ичида вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш ҳақида ариза топширишлари лозим. Ушбу аризада сиёсий партия юқори органи раҳбарининг имзоси бўлиши, шунингдек, сиёсий партиянинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши керак. Зеро, сиёсий партия сайлов куни белгиланишидан камида олти ой олдин рўйхатга олинган бўлиши керак.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партиянинг вакилига махсус маълумотнома беради. Ана шу ҳужжатлар асосида сайлов комиссияси беш кун ичида мазкур сиёсий партиянинг сайловда иштирок этиши ҳақида зарур қарорни чиқаради. Юқорида зикр этилган қонуннинг 21-моддасига мувофиқ кўп партиявийлик асосида сайлов ўтказилишини ҳуқуқий таъминлаш учун сайловда иштирок этадиган партиялар улардан тушган аризалар вақтига кўра кетма-кет рўйхатга олинади ва муайян вилоят, туман ва шаҳар матбуотида эълон қилинади. Депутатликка номзод кўрсатиш борасида КПСС раҳбарлик қилган бир партиялилик асосидаги сайловлар давридаги бетартиблик ва бошбошдоқликка йўл қўймаслик учун қонунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига депутатликка номзод кўрса-тишнинг механизмлари изчил ишлаб чиқилган. Қонуннинг 22-моддасига биноан вилоят, туман ва шаҳар депутатлари Кенгашига номзод кўрсатиш сайлов белгилангандан кейинги йигирма беш кун ичида бошланиб, сайлов бошланишига қирқ беш кун қолганда тўхтатилади. Бундай муддатнинг белгиланиши сайловчиларнинг номзодликка тавсия қилинган шахсларни ҳар томонлама ўрганишлари, улар борасида ўзларининг қатъи фикрларига эга бўлиши ва у ёки бу номзод борасида янглиш хулосалар чиқар<sup>1</sup>маслигига имкон туғдиради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш.. – Т., 2002.- 111 б.

Айни пайтда, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига номзод кўрсатиш сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан амалга оширилишини, туман, шаҳар депутатлари Кенгашлари эса ўз сессияларида номзод кўрсатишни, туман, шаҳар депутатлари Кенгашларига номзод кўрсатиш эса муайян туман ва шаҳар сиёсий партия органлари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари (вакиллар мажлиси)да кўрсатилишини алоҳида таъкидлаш керак. Яна шуни таъкидлаш керакки, сиёсий партиялар ҳам, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ҳар бир сайлов округи бўйича фақат биттагина номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар бир сайлов округи ҳудудида ўз-ўзини бошқаришнинг икки ёки ундан ортиқ органи жойлашган бўлса, бу ташкилотлардан номзод кўрсатиш масаласи уларнинг вакиллари мажлисида ҳал этилади. Вакиллар миқдори қанча бўлишини тегишли сайлов комиссияси белгилайди.

Қонунда шу нарса белгилаб қўйилганки, депутатликка номзод кишилар, албатта, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролардан иборат бўлиши керак. Айни пайтда, бирон шахс тегишли вилоят, туман, шаҳар депутатлари Кенгашига депутатликка сайлов ўтказилишида фақат бир сайлов округидан ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари депутатларнинг маҳаллий кенгашларига номзодларни мустақил равишда кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунда бу ерда ҳам айрим чеклашлар назарда тутилади. Хусусан, бирор-бир сиёсий партия депутатликка номзод кўрсатиш чоғида фақат ўз партиясига мансуб кишинигина номзод сифатида тақдим этиши мумкин, сиёсий партия бошқа партия аъзосини ёки партиясиз кишининг номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Туман, шаҳар вакиллик ҳокимият органлари эса қандай партияга мансуб эканлигидан қатъи назар ҳар қандай кишининг номзодини сайловда кўрсатишлари мумкин.

Маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодларни рўйхатга олиш масаласига ҳам қонун маълум ҳуқуқий шакл бағишлаган. Хусусан, унга мувофиқ сиёсий партиянинг тегишли орган бўйича раҳбари, халқ депутатларининг туман,



шаҳар Кенгаши депутатлари раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли сайлов комиссияга ўзларининг депутатликка номзодларини рўйхатга олишни сўраб мурожаат қиладилар. Айни пайтда, ариза билан биргаликда мазкур сайлов комиссиясига сиёсий партия органининг, туман, шаҳар депутатлари Кенгашининг, фуқаролар йиғини (вакиллар мажлиси)нинг ёки ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари йиғилишининг маълум бир кишини депутатликка номзод қилиб кўрсатганлиги ҳақидаги қарори, мазкур номзоднинг сайлов округида халқ депутатлари Кенгашига сайловда номзод сифатида иштирок этишга розилиги ҳам тақдим этилади. Айни пайтда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, судьялар ёки прокуратуранинг мансабдор шахслари номзод сифатида фақат ўз лавозимларидан бўшаши ҳақида ариза ёзганларидан кейин уларни маҳаллий Кенгашларга депутат қилиб сайланганларидагина рўйхатга олиниши мумкин. Бу борадаги зарурий тартиб - қоидаларга қатъи амал қилиниши учун вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари етти кунлик муддат ичида мазкур қонунда кўзда тутилган ҳужжатларнинг тақдим этилиши ҳақи-даги маълумотлар тўғрисидаги ўз хулосаларини билдиришлари керак. Агар қонун талаблари бажарилмаган бўлса ёки унга хилоф йўл тутилган бўлса, сайлов комиссиялари мутасадди давлат ва жамоат тизимларига йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида маълум қилишлари ва бу камчиликларга тез муддатларда барҳам беришлари лозим. Зеро, бундай тартиб - қоидалар фақат ҳуқуқий давлатларгагина хос хусусиятдир. Мазкур қонуннинг 23-моддасида қандай фуқаролар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига депутат сифатида рўйхатга олиниши мумкин эмаслиги очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Булар, биринчидан, судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар; иккинчидан, сайлов белгиланган кунга нисбатан кейинги беш йил ичида Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилмаган шахслар; учинчидан, Ўзбекистон ҳарбий кучларининг хизматчилари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ички ишлар ва бошқа ҳарбий бўлинмалар ходимлари; тўртинчидан, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчиларидан иборат. Зеро, бу чеклашлар шунинг учун ҳам ҳаққоний ва

адолатли саналадиган қонунчилик ҳокимиятининг вакиллик органлари - муассасалар қиёфасида, объектив характердаги ҳуқуқий нормаларга асосан, қонунга қатъи риоя қилган ҳолда, сайлов тадбирларига куч ёки руҳий тазйик бўлмаслигининг тарафдоридир<sup>1</sup>.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловларга беш кун қолганда ниҳоясига етказилади. Сиёсий партиялар, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳужжат топширишдаги шовша-шошарликка йўл қўймаслик учун сайлов комиссиялари номзодларни рўйхатга олиш тугатилишидан етти кун илгари кўриб чиқади. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам сайлов кампаниясида ўзибўларчиликка йўл қўймаслик, сохтагарчиликнинг олдини олиш, турли найранг ва мунофиқ-ликларга йўл қўймаслик учун жуда катта аҳамият касб этади. Виложат, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг номзодларни рўйхатга олиш тугагандан сўнг беш кун ичида уларнинг рўйхати ва анкета маълумотларини маҳаллий матбуотда эълон қилиши ҳам ана шу қонуний тартибни амалга оширишга ёрдам беради.

Албатта, муқобиллик асосидаги сайлов ўтказиш шароитида сайловолди тарғибот - ташвиқотларисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Қонунга мувофиқ сайлов - олди тарғибот ва ташвиқот ишлари номзодлар виложат, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олингандан сўнггина бошланади. Депутатликка номзодларнинг ҳар бири учун тенг тарзда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ўз сайловчилари билан мажлисларда ва сайловчиларга маъқул бошқа усуллар орқали мулоқотда бўлиш имқонияти берилишининг қонунда қайд қилинган-лиги ҳам ниҳоятда муҳим ҳуқуқий маъно касб этади. Қонун, шунингдек, сайлов комиссиялари зиммасига сайловчилар билан бўладиган мажлисларни туман ёки шаҳар ҳокимиятлари билан ҳамкорликда ўтказиш вазифасини ҳам юклайди. Сайлов комиссиялари ва ҳокимият вакиллари депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларини ўтказиш

---

<sup>1</sup> Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.

учун бинолар ва зарур жихозлар билан таъминлайдилар. Мажлисларда кўпрок кишиларнинг иштирок этишини таъминлаш мақсадида қонунда учрашувларнинг ишдан бўш вақтларда ўтказилиши ва бу учрашув ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар берилиши ҳам кўзда тутилади<sup>1</sup>. Давлат ва жамоат ташкилотларининг депутатликка номзодларга зарур маълумотларни олишларига кўмаклашишлари тўғриси-даги қоидалар ҳам, албатта, сайлов муваффақияти учун ижобий аҳамият касб этади. Ушбу қоидаларнинг барчаси сайловларни ҳис-ҳаяжонларга берилмасдан, ишчанлик руҳида, муваффақиятли ўтказиш имкониятини яратади.

Қонунда алоҳида банд сифатида сиёсий партияларнинг ўз дастурларини баён қилиш ҳуқуқи баён қилинган. Айти пайтда, фуқароларнинг осойишталиги ва тинч-тотувлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қонуннинг 25-моддасида партияларнинг ва депутатликка номзод шахсларнинг дастурлари республиканинг суверенитетига, яхлитлигига, хавфсизлигига қарши йўналтирилмаслиги, халқнинг саломат-лигига ва маънавиятига раҳна солмаслиги, урушга, миллий низоларга сабаб бўлмаслиги, диний душманлик ва конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартиришга ундамаслиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини поймол қилмаслиги - зарурлигига алоҳида аҳамият берилган.

Қонунда сайлов қунида тарғибот-ташвиқот юргизиш ишларига йўл кўйилмаслигининг кўрсатиб ўтилиши ҳам сайловларни демократик услубда ўтказиш қоидаларига мутлақо мос тушади<sup>2</sup>.

Депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларининг ҳам ҳуқуқий нормалари қонунда ҳар томонлама кўриб чиқилган. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Улар зиммасига номзодни депутатликка сайлаш учун уни тарғиб қилиш, уларнинг давлат ва ижтимоий тизимлар, сайловчилар билан бўладиган ўзаро мулоқотларида номзод манфаатларини ёқлаш, шунингдек, сайлов комиссияларида уларни қўллаб-қувватлаш мажбуриятлари юклатилган. Депутатликка номзод

<sup>1</sup> Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2000 йилдаги ташкилий фаолияти тўғрисидаги маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг жорий архиви

<sup>2</sup> Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.

кишилар ўзларининг ишончли вакилларини ўзлари тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар, шундан сўнг улар ўз ишончли вакиллари ҳақида округ сайлов комиссияларига маълумот берадилар. Ўз навбатида, округ сайлов комиссиялари номзодларнинг ишончли вакиллари (ваколатли кишилари)ни рўйхатга оладилар ва уларга махсус гувоҳнома берадилар. Айни пайтда депутатликка номзод ўз ишончли вакилининг ваколатларини бекор қилиши, уни алмаштириши мумкин, фақат у бу ҳақда сайлов округини огоҳлантириши керак бўлади. Номзоднинг ишончли вакили ўзи истаган пайтда, ихтиёрига кўра ўз ваколатларидан воз кечиши мумкин. Ваколатли шахснинг фаолияти ҳолис бўлишини таъминлаш учун унинг сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмаслигининг алоҳида қайд этилиши қонуннинг яна бир ижобий жиҳатини белгилаши шубҳасиздир.

Сайлов тўғрисидаги қонунда, шунингдек, депутатликка номзоднинг сайловда ўз номзодини кўрсатишдан воз кечиши мумкинлиги ёки ўз номзодини бутунлай қайтариб олиши мумкинлиги масаласи ҳам кўриб чиқилган. Қонуннинг 28-моддасида сиёсий партиялар, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари истаган пайтда у ёки бу депутатликка номзод ҳақидаги қарорни ўзгартириши мумкинлиги кўзда тутилган. Бу қарорга мувофиқ вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари муайян сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш учун ариза берадилар. Номзодликка рўйхатга олинган шахслар уларнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиялари ўз фаолиятини тугатган ҳолларда ҳам ўз мақомидан маҳрум этиладилар. Бундан ташқари, депутатликка номзод сайловга қадар исталган пайтда ўз номзодини қайтариб олиши мумкин, бунинг учун у сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилиши керак бўлади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда жойлардаги ҳокимиятнинг вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар изчил демократик асосларда ўтказилишидан далолат беради.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида сайловчилар рўйхатини тузиш ишига муҳим ўрин берилади. Зеро, амалдаги тенг овоз бериш ҳуқуқи ана шу тадбирнинг нечоғли тўғри амалга оширилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам сайловчиларга ана шундай шароитни яратиш ниҳоятда муҳимдир, токи ҳар бир

сайловчи бир сайлов рўйхатидагина қайд этилсин. Сайловчиларнинг рўйхати жамоатчилик эътиборига сайлов бошланишидан ўн беш кун илгари маълум қилинади. Бу ҳол сайловчиларнинг рўйхат билан танишишлари ва унда йўл қўйилган айрим ноаниқликлар ва хатоликларни сайловдан олдин билишлари ва уларни сайлов участкаларига айтиб тузатишларига имконият туғдиради. Бундай аризалар сайлов участкаларида йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқилиб, ҳал этилиши керак. Агар сайлов комиссияларининг қарори сайловчиларни қониқтирмаса, улар ўз навбатида қонунга мувофиқ тарзда бу борада судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов комиссияси сайловчиларни сайлов қаерда ўтказилиши ҳақида сайлов кунидан ўн кун аввал хабардор қилади. Бу, ўз навбатида, сайловни самарали ва муваффақиятли ташкил этиш, ортиқча ташвишларсиз, шовша-шошарликларсиз ўтказишга имконият яратади. Зеро, бундай ҳолатда сайловчилар ҳам сайловда иштирок этиш учун аввалдан тайёргарлик кўриб юрадилар ва сайлов кунида сайловчиларнинг аксарият кўпчилиги иштирок этишига замин яратилади<sup>1</sup>.

Сайлов куни сайлов ўтказиладиган бино мазкур сайлов участкасида қайд этилган сайловчиларнинг камида учдан икки қисми йиғилганидан сўнг очилади. Сайлов комиссияси раиси комиссия аъзолари иштирокида сайлов қутиларининг сургичларини олиб ташлайди ва улар ўртасида сайлов бюллетенларини тарқатиб, сайлов бошланганлигини маълум қилади. Қонун бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжатда қайд этилишини алоҳида шарт қилиб қўяди. Бу муқобиллик асосида сайлов ўтказиш жараёнида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб, сайловда ҳар қандай суиистеъмолларга, сохталаштиришларга йўл қўйилмаслигини таъминлайди. Сайловчи овоз беришда иштирок этиш учун сайлов тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасига биноан ўз шахсини тасдиқловчи гувоҳномасини кўрсатиши ва шундан кейин сайловчилар рўйхатидаги ўз исми-шарифи ёнига имзо чекиши керак. Бу ҳам бир пайтлар урф бўлган ножоиз ҳолатнинг, яъни оиланинг бир аъзоси, барча оила аъзолари, ҳаттоки қўни-қўшнилар учун ҳам овоз

---

<sup>1</sup> Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.

бериш ҳолатига барҳам бериши шубҳасиздир. Бу, албатта, муқобилликка асосланган, биргина номзодни сайлашга мўлжалланган даврлар учун хос иллат эди. Зеро, у пайтларда сайловчилар сайловга ўта бефарқлик билан муносабатда бўлишар, ҳатто уларни сайлов натижалари ҳам қизиқтирмас эди.

Сайловнинг ҳолис ўтишини таъминловчи яна бир ҳолат шундаки, сайлов бюллетенини мустақил тўлдира олмайдиган сайловчи ўз ихтиёрига кўра сайлов комиссияси аъзоларидан ташқари ҳар қандай бошқа кишини кўмакка чақириши ва унинг кўмагида сайлов қоғозини тўлдириши мумкинлигидир. Сайловчилар учун яна бир қулайлик шундаки, агар улар сайлов куни яшаш жойларида бўлиш имкониятларига эга бўлмасалар, олдиндан ўз сайлов қоғозларини сайлов участкасидаги махсус қутиларга ёпиқ конвертларга солган ҳолда қолдиришлари мумкин. Бу ҳам сайловда сайловчиларнинг бирортаси эътибордан четда қолмаслигини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бундай тажриба тараққий топган кўплаб хорижий мамлакатларда кенг қўлланилади. Бизнингча, бу услубни Ўзбекистонда ҳам янада кенгроқ жорий қилмоқ керак. Сайловчиларнинг айримлари саломатликларини йўқотганликлари туфайли касалхоналарда ва бошқа шифохоналарда даволанаётган ҳолларда уларнинг ҳам фуқаролик ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда сайловда иштирокини таъминлаш учун бевосита улар даволанаётган жойларда овоз беришни ташкил қилиш қонунда кўзда тутилган. Бунинг учун сайлов комиссияси ўз аъзоларининг айримларини ана шу шифо масканларига юбордилар.

Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг бир қатор моддалари сайлов натижаларини ҳисоблаш чоғида ҳеч қандай қўшиб ёзишларга, тарафкашликларга йўл қўймаслик, сайловнинг адолатли ва ҳолис ўтказилишини таъминлашга бағишлангандир. Хусусан, қонуннинг 39-моддасига биноан сайлов қоғозлари йиғиладиган қутилар сайлов комиссияси томонидан овоз бериш тугалланганлиги ҳақида хабар берилгандан кейин очилиши алоҳида қайд этилади. Бунда қонун сайлов тугалланмасдан сайлов қоғозлари йиғилган қутиларни очишни қатъиян ман этади.

Овозларни санаб чиқиш сайлов комиссияси томонидан ҳар бир сайлов округи ва ҳар бир депутатликка номзод учун берилган овозни алоҳида-алоҳида санаш орқали амалга оширилади. Сайловнинг қай даражада демократик тарзда ўтганлигини, овозларни санашда сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа остига олинган тақдирда бу масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш йўли билан ҳал этилишига қараб билса ҳам бўлади. Сайловдаги овозларни санаш натижалари сайлов участкасидаги сайлов комиссияси мажлисининг протоколи орқали қайд этилиб, унга сайлов комиссиясининг раиси, раис муовини, котиби ва комиссиянинг бошқа аъзолари имзо чекадилар. Бундай йўл тутиш орқали овозларни санаш ҳужжатларида бир ёқламаликка йўл қўйишнинг олди олинади. Овоз бериш натижаларини бу тарзда аниқлаш округ, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларида ҳам худди шундай амалга оширилади. Қонуннинг 41-моддасида алоҳида белгилаб қўйилганидек, сайловда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозига муваффақ бўлган депутатликка номзодларгина депутат сифатида сайланган ҳисобланадилар. Башарти, сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Агарда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилиши лозим. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади. Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган

сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Бундай ҳолларда сайлов варақасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов варақаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Агар сайлов жараёнида унинг натижаларига таъсир кўрсатувчи қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар юз берган бўлса, ўтказилган вилоят, туман ва шаҳар депутатлари кенгашига сайловлар умуман ноқонуний ҳисобланади. Сайловларнинг ноқонуний деб баҳоланиши ҳақидаги қарор вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан қабул қилинади ва сайлов натижалари эълон қилингандан кейин ўн кун ичида улар юзасидан судга ариза бериш мумкин. Агар айрим сайлов участкаларидаги сайловлар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан ноқонуний деб белгиланса ва улар сайловнинг умумий натижаларига таъсир қилмаган бўлса, уларсиз ҳам сайлов ўтказилган ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказиш борасидаги қонунда сайловларни тайинлаш, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олишнинг ҳуқуқий томонлари ҳам ҳар жиҳатдан батафсил таҳлил этилгандир.<sup>1</sup>

Маҳаллий Кенгашларга сайловлар барча даражада, одатда, бир вақтда ўтказилади ва Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимият органи Олий Мажлис томонидан депутатларнинг ваколатлари тугашидан уч ой илгари белгиланади. Ҳозирги кунда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни тайинлаш бўйича янги қоидалар киритилди. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган конституциявий

---

<sup>1</sup> Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.



қонунининг 3-моддасида белгиланган ва шунга асосан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар уларнинг конституциявий ваколати тугайдиган йилда декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Мазкур конституциявий қонунга асосан бу янгиликлар амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунимизга киритилди. Ушбу кун белгилангандан кейинги уч кун ичида сайлов куни ҳақида барча матбуот органлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Аҳолига сайловлар тўғрисида бу тарзда маълумот бериш давлат ҳокимияти органлари ушбу вилоят, туман ва шаҳар депутатлари Кенгашига ўтказиладиган сайлов тадбирига ниҳоятда катта аҳамият беришидан далолат беради.

Ҳуқуқий давлат барпо қилиш жараёни кетаётган бир пайтда сайловларни моддий таъминлаш масаласи ҳам янгича усулда ҳал этилмоқда. Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 48-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайловни тайёр-лаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Айни пайтда, депутатликка номзодларни бошқа йўллар билан моддий рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш тақиқлаб қўйилди. Бунинг натижасида кўплаб суиистеъмолликларнинг, сайловчиларни сотиб олиш ва бошқа сайлов-олди, олди-сотдиларининг пайи қирқилди.

Шунинг билан бирга, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, муассасалар, ташкилотлар ва республика фуқаролари ихтиёрий равишда сайловларни ўтказиш тадбирлари учун ўз маблағаларини ўтказиш имконига эга. Бу маблағлар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан йиғиб олинади ва сайловларни ўтказиш жараёнида сарфланади. Қонундаги яна бир муҳим, янги жиҳат уни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги модданинг мавжудлигидир. Қонунда шундай белгилаб қўйилган: сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқот олиб боришни амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид солиш ёки бошқа йўллар билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тuzган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш

тартибини бузган ёки ушбу қонуннинг бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг, ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра жавобгарликка тортиладилар. Шунингдек, депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар

Шу ўринда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш билан боғлиқ сўнгги йилларда қонунчиликка киритилган ўзгартиришларни кайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги<sup>1</sup> қонунига кўра, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-модданинг еттинчи қисми, 8-модданинг иккинчи қисми, 27-модда, 27-1-модда, 27-2-модда, 27-3-модда, 27-4-модда, 32-модданинг олтинчи қисми, 33-модданинг биринчи қисми, 38-модданинг матни, 41-модданинг бешинчи қисми, 65-модда иккинчи қисмларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур киритилган ўзгартиришлар мазмунига назар ташлайдиган бўлсак, Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “... баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар”<sup>2</sup> Демак киритилган мазкур қонун нормалари давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”2012 йил 19 декабр.Халқ сўзи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 13-ноябр. Халқ сўзи.

### **1.3. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: миллий ва хорижий тажриба.**

Ҳозирги вақтда қатор ваколатлар ва вазифалар марказий органлардан маҳаллий ҳокимият органларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга босқичма-босқич топшириш жараёни давом этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов ўз маърузаларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш оргаларининг мавқеикатта аҳамиятга эга эканлигини кўп бора таъкидлаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусида таъкидлаганидек, “Бугун маҳалла жойларида фуқароларнинг ҳаётий масалаларини ўз вақтида ва муваффақият билан ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир. Фуқароларни, ёшларни руҳан ва маънан тарбиялаш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият кўрсатиши, жойларда ижтимоий хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда маҳалланинг ҳиссаси ошиб бормоқда”. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари бўлмиш халқ депутатлари Кенгаши билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш депутатлар корпусининг ишидаги муҳим йўналишдир. Халқ депутатлари Кенгаши депутатининг фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин алоқаси унга нафақат ижтимоий ва иқтисодий суҳалар, коммунал хўжалик, ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ва аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида маҳаллаларга берилган ваколатлар қандай амалга оширилаётганидан бохабар бўлиш, балки ўзи депатат сўрови юбориш<sup>1</sup> ёки халқ депутатлари Кенгаши

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан 2009 йил 31 июлдаги 653-І- сонли Қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши томонидан депутат сўровини юборишга оид тавсиялар.

сессиялари ва унинг доимий комиссиялари мажлислари муҳокамасига киритиш орқали ҳал эта олиши мумкин бўлган муоммоли масалаларини аниқлашга ҳам имкон беради. Ўз навбатида, халқ депутатлари Кенгаши депутатининг ўз сайлов округи ҳудудида жойлашган маҳалалар ҳаётида амалий иштироки аҳолининг шахсан унга ва умуман давлатга нисбатан ишончи янада ортишига имкон яратади.

Бу вазифаларни ҳал қилишга халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг фаолияти ҳам йўналтирилиши лозим. Шунингдек, улар тегишли қарорлар ишлаб чиқиш орқали маҳалланинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан янада яқинроқ ҳамкорликда бўлишини қўллаб-қувватлашлари ва таъминлашлари зарур. Бугунги кунда мамлакатда ўн мингдан ортиқ фуқаролар йиғинлари ва Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тузилган, сайланган халқ депутатлари кенгаши депутатларининг сафи эса олти мингтадан ошиб кетди.

Фуқароли жамияти институти ҳисобланган оммавий ахборот воситалари ҳам халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Хусусан, Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусида маърузасида оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритиб, унга кўра, “Бугун ҳаётнинг ўзи фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш масаласини кўндаланг кўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, нодавлат матбуот воситалари, радио, телевидение ишини фаоллаштириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириб боришини кенгайтириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар сиёсатининг ошқоролиги ва очиклигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини изчил барпо этишга ёрдам берилиши лозим” Бу ҳолат халқ депутатлари Кенгаши ва оммавий

---

ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш зарурлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар “народное слова” ва “Халқ сўзи” марказий газеталарида кенг ёритиб борилмоқда, деярли ҳар куни Республика телевидениясида, “Ахборот” информацион кўрсатувида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам ёритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисидан фарқли ўлароқ, халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий газеталарни ҳисобга олмаганда, вилоят, туман ва шаҳар кенгшлари сессияларининг қарорларини эълон қилиб бориш мумкин бўлган ўз матбуот органига шу пайтгача эга эмас. Бу ҳам депутатлар корпуси олиб бораётганишлардан аҳолини боҳабар қилишга тўсқинлик қилувчи омиллардан биридир. Баъзи ҳолларда халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларининг матиреаллари бир марталик алоҳида рисоалар кўринишида тарқатилади. Эҳтимол, халқ депутатлари ҳар бир Кенгашида ҳокимият вакиллик органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш бўйича чоралар махсус дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мавжуд ҳолатни тузатишга имкон бериши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида тўхталиб зтадиган бўлсак, ҳозирги кунда хориж тажрибасида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг бир неча моделлари мавжуд. Буюк Британия, Канада, АКШ, Хиндистон, Янги Зеландия ва бошқа бир канча мамлакатларда англосаксон тизими амал қилади. Франция, Италия, Голландия, Португалия, Бельгия, Испания ва бошқа Европа давлатларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг француз тизими кўлланилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳукуки: ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –566 бет.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг англосаксон ва француз моделлари билан бир каторда Германиянинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими (коммунал) ҳам мустакил модель ҳисобланади.

Ғарбий Европадаги бир қанча давлатларига хос географик ва демографик ўзгаришлар, шунингдек, сиёсий тузум ва ҳуқуқий тизим маҳаллий бошқарув эволюциясига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларига хос хусусият шундан иборатки, маҳаллий бошқарувда юкоридан тайинланадиган марказий ҳокимият вакилининг, «яъни жойлардаги тўғридан-тўғри давлат бошқарувининг» ёки «маҳаллий давлат бошқарувининг» роли катта. Бунда жойлардаги давлат бошқаруви, аксарият ҳолларда, минтакавий даражада амал қилади. Бу маҳаллий бошқаришнинг француз моделига ҳосдир.

В.В.Махлаков фикрига кўра: “Ғарбий Европа мамлакатларида бутун бошқарув тизимининг вужудга келиши учун асос бўлган француз маҳаллий бошқарувига ҳамма вақт кучли иерархия ҳамда марказий ҳокимиятга тобе бўлиш хос бўлган”. Бу марказий ҳокимият томонидан маҳаллий органлар устидан ўрнатилган маъмурий назоратнинг кучайишида, марказ ва жойлар муносабатидаги бюрократик субординацияда намоён бўлди.

Францияда, дунёнинг айрим мамлакатларида бўлганидек, бошқарувнинг тўрт даражаси: коммунал, департамент, минтакавий ва миллий даража мавжуддир<sup>1</sup>.

Ғарбий Европа мамлакатлари сингари Францияда ҳам, мунтазам равишда маҳаллий бошқарувни ислох қилишга ҳаракат қилинган. Маҳаллий бошқарувни қайта ташкил қилиш борасидаги қарарлар, кўп жихатдан, давлат тепасида турган сиёсий партияларнинг йуналишига боғлиқ бўлган.

1982 йил Конунига мувофиқ, коммуналлар, департаментлар, минтакалар учун ўз ваколатлари доирасида иктисодиётга аралашиб, хусусан,

---

<sup>1</sup> Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳуқуқи: ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –566 бет.

кийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналарга ёрдам бериш борасида катта имкониятлар берилди.

Марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқроқ кондириш, янги хизмат турларини жорий этиш имконини кенгайтирди. Ўзига хос жиҳати шундаки, бу борада биринчи навбатда маҳаллий бошқарув органлари ташаббус кўрсатди.

Айни вақтда маҳаллий даражада ҳукумат махсус вакилининг мавжудлиги давлатга анчагина кучли мавкени саклаб туриш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Франция маҳаллий бошқарув органлари ваколат доирасини ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш куйидаги тамойилга асосланади: муниципал органларга қонунда тўғридан-тўғри ман этилмаган ва бошқа органлар ваколатига қирмайдиган барча ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга ижозат берилади.

Германия Федератив Республикасида эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш борасида тажрибаларга ҳақида айтиб ўтидиган бўлсак. ГФР да ўзини ўзи бошқариш тизими маъмурий-худудий бўлинмаларга, ўзаро ёндош ерларга мувофиқ ҳолда тузилади. Мамлакат 16 ер худудларидан иборат бўлиб, ер худудлари округлар, туманлар, туман мақомига эга булган шаҳарлар ва жамоалардан ташкил топади.

16 та федерал ер худудларининг барчасида аҳоли томонидан сайланадиган ўз парламентлари, ҳукуматлари мавжуд бўлиб, федерал парламент тўғридан-тўғри қонун чуқарувчи, деб қайд этилмаган барча вилоятларда улар қонун чиқариш ваколатига эга. ГФР Конституцияда ҳам, ер худудлари конституциясида ҳам жамоаларга қенг ваколатлар берилганлиги қайд этилган. Масалан, Асосий қонуннинг 28-модда 2-бандида жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳукуқи қафолатланади: “жамоаларга барча маҳаллий масалаларни қонун доирасида мустақил ҳал қилиш ҳукуқи берилиши лозим”.

ГФР да давлат курилиши масаласида куйидаги тамойил амал килади: “агар давлат уни халқ кўллаб-куватлашини истаса, демократия куйидан юкорига караб курилиши керак”. Хамма даражаларда – федерал, ер худудлари, махаллий даражаларда – эркин, тенг, тўғридан-тўғри, яширин сайловларда сайланадиган халқ вакиллари халқга хизмат килган холда, халқ номидан давлат ҳокимиятини амалга оширади<sup>1</sup>.

ГФРда жамоалар давлат ҳокимиятининг энг куйи бўғини ҳисобланади, лекин айнаи бир вақтда энг муҳим бўғин хам ҳисобланади. Немис олимлари жамоаларни давлат асоси, деб атаганда айнан ана шуни назарда тутадилар. Уларнинг фикрича, давлат асоссиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, юкори даражалардаги давлат бошқарувининг барча хатти-харакатлари, кўп жиҳатдан, жамоалар фаолиятига асосланади.

Шу билан бирга, истеъфодаги обер-бургомистр Клаус Вильгельм Хоффманнинг ёзишича: ”бизнинг мамлакатимизда жамоалар нафакат давлат асоси, балки унинг аъзоси хамдир, яъни улар умумдавлат ҳокимияти тизимига интеграциялашгандир. Улар ўз ҳокимиятларини давлатнинг бир бўлаги сифатида ва унинг ваколатига кўра амалга оширадилар. Бунда юкоридан берилган кўрсатмаларга боғлиқ бўлмаган жамоа ваколатлари мавжуд, яъни масала моҳиятига доир вазифаларни хал этишда ҳокимият иштироки ман этилган ваколатлар мавжуд. Шу билан бирга, юкори давлат органларининг кўрсатмаларига бевосита боғлиқ бўлган жамоа ваколатлари хам бор. Бу холларда жамоалар берилган топширик юзасидан маъмурий функцияларни амалга оширади”.

ГФР да жамоа ўз вакилларига – жамоа муниципал кенгашларига эга. Жамоа вакиллигига сайланганларнинг барчаси уз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширади. Турли ер худудларида бургомистрнинг ҳукукий мавкеи турлича белгиланади. Боварияда бургомистр бевосита ахоли томонидан сайланади, Шимолий Рейн-

---

<sup>1</sup> Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳукуки: ўқув кўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –566 бет.



Вестфалияда эса муниципал кенгаш томонидан сайланади. Аҳолиси 50000 кишидан юкори булган жамоаларда бургомистр “обер-бургомистр” деб аталади.

Туманлар махаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг кейинги поғонаси ҳисобланади. Бу ерда уларнинг ваколат доирасига кирувчи масалалар хал қилинади, иккинчи томондан эса улар давлат маъмуриятининг қўйи органи ҳисобланади. Туман бошлиғи пандрат деб аталиб, худди шу усулда сайланади ёки бевосита аҳоли томонидан, ёхуд туман кенгаши томонидан сайланади. Кичикроқ шаҳарлар ва поселкалар туман таркибига киради ва унга бўйсунди. Йирикроқ манзилгоҳларнинг ўзи туман вазифаларини бажаради – бу шаҳар-туман ёки туман маркази каби манзилгоҳлардир.

Аҳоли орасидан жамоа маъмурияти томонидан амалга оширилаётган жамоа ҳокимиятининг сиёсий ифодаловчилари бўлган фуқаролар белгиланади. ГФР Асосий қонунининг 116-моддасига<sup>1</sup> мувофиқ, 18 ёшга тўлган ҳамда жамоада камида 6 ойдан бери истиқомат қилувчи немислар жамоа фуқаролари ҳисобланади. Фақат уларгина овоз бериш ва сайлов ҳуқуқига эга, жамоани бошқаришда ҳам фақат уларгина иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ундан ташқари, Баден-Вюртемберг ерлари жамоалари тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқарув жараёнида фуқароларнинг барчаси иштирок этиши лозим. Хар бир фуқаро муайян бир вазифани бажариши керак. Фуқаролик бурчини бажаришдан асоссиз равишда бош тортган фуқарога 1000 немис маркаси миқдорида жаримага, ер худудини маъмурий бошқаришни амалга ошириш тўғрисидаги Қонунда белгиланган тадбирлар бундан мустасно, маъмурий жарима солиниши мумкин ёки бу шахс 4 йил муддатга фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Муниципал кенгаш томонидан чакириладиган фуқаролар йиғини ҳар бир фуқарога, шунингдек барча аҳолига бевосита таъсир кўрсатувчи институтдир.

---

<sup>1</sup> Германия Федератив Республикасининг Конституцияси.. 1949-yil 23–ma

Фуқаролар йиғини маъмурият амалга ошираётган ёки амалга оширишни режалаштираётган ишлар тўғрисида маҳаллий жамоага маълумот бериш учунгина хизмат килмайди, бу йиғинни ўтказишдан кўзланган бош мақсад – муҳим ҳаётий муаммоларни ва жамоа фаолиятини муҳокама қилишдан иборат<sup>1</sup>.

Фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш, таклифлар киритиш ҳуқуқига эга, жамоанинг тегишли органлари бу таклифларни, мулоҳазаларни, одатда, 3 ой ичида текшириб, муҳокама қилишлари лозим. Бундан ташқари, фуқаролар расмий талаб қўйиш имконига эгадир. Фуқароларнинг расмий талаби шундай масалаларга тааллуқли бўлиши лозимки, улар сўнгги уч йил давомида фуқароларнинг истакларига қарамай, ҳал қилинмаган бўлиши керак. Расмий талаб жамоа фуқароларининг энг камида 15 фоизи томонидан имзоланиши зарур.

Бундай талаб маъмурият ва жамоа кенгашини маълум бир муаммони ҳал қилишга мажбурловчи яхшигина восита бўлиб хизмат қилади

Хар иккала институт ҳам яъни таклифлар ва расмий талаб киритиш фуқароларнинг жамоа бошқарувида иштирок этиш манфаатдорлигини оширишга қаратилган ҳамда уларда ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотишга хизмат қилувчи яхши воситалардир.

Муниципал кенгаш бургомистр билан келишган ҳолда жамоа хизматчиларини ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилади. Розилик олинмаган ҳолларда муниципал кенгаш мазкур масала юзасидан мустақил қарор қабул қилади, бунда кенгаш умумий иштирокчиларининг учдан икки қисми овоз бериши лозим. Гарчи муниципал кенгаш ва бургомистр ўзаро бир-бирига тобе муносабатларга эга бўлмасада, жамоалар тўғрисидаги Низомда муниципал кенгаш қарорларининг бургомистр томонидан ижро этилишини муниципал кенгашлар назорат

---

<sup>1</sup> Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.

килиши кўзда тутилган, бунда муниципал кенгаш жамоанинг бош органи эканлиги инобатга олинган.

Бургомистр жамоага ва жамоа маъмуриятига тегишли барча мухим масалалар юзасидан муниципал кенгашга ахборот бериши шарт. Кенгашнинг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи муниципал маслахатчилар бургомистрдан ўзларини кизиктирган маълумотларни талаб қилишлари мумкин. Бундан ташқари, кенгаш аъзолари муниципал кенгаш мажлисида бургомистрга ёзма ёки оғзаки равишда расмий сўров бериши ҳам мумкин.

Жамоа кенгаши, одатда, кенгаш раиси бўлган бургомистрдан ҳамда жамоатчилик асосида ишловчи аъзолардан иборат бўлади, кенгаш аъзоларининг сони жамоа хажмига боғлиқ равишда қонунда белгилаб қўйилади. Муниципал кенгашларда штат буйича ходимлар назарда тутилмаган.

Муниципал кенгашларга сайловлар, пропорционал сайловларнинг асосий тамойилларини инобатга олган ҳолда, сайлов рўйхатлари асосида ўтказилади, биттагина номзод кўрсатилган ҳолларда сайловлар мажоритар тизимда ўтказилади<sup>1</sup>.

Сайланиш имконини таъқиқловчи бирон бир айблов қўйилмаган фуқаролар муниципал кенгашга сайланишлари мумкин.

Давлат ҳизматчилари ва жамоа ҳизматчилари муниципал кенгашга аъзо бўла олмайди. Жамоа билан узвий алоқадор бўлган корпорация ва фонд ҳизматчиларига нисбатан ҳам айнан шу талаб қўлланилади. Манфаатлараро зиддиятларга йул қуймаслик мақсадида ўрта ва юқори инстанциялар ҳукукий назорат органлари ҳизматчиларининг ҳамда раҳбарларининг муниципал кенгашда иштирок этиши ман қилинади<sup>2</sup>. Уруг – аймокчиликка йўл қўйилмаслиги учун ўзаро қариндошлик муносабатларига эга бўлган шахслар бир вақтда муниципал кенгаш аъзолари бўла олмайди. Муниципал

---

<sup>1</sup> Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳукуқи: ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –566 бет.

<sup>2</sup> Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳукуқи: ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –566 бет.

маслахатчиларининг ваколат муддати беш йилдан иборат. Улар жамоатчилик асосида ишлайдилар, лекин ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бахтсиз ходиса рўй берган ҳолларда муниципал маслахатчилар ҳам давлат хизматчиларига бериладиган ҳуқуқларга эга буладилар.

Мажлис 1 ойда камида бир марта чакирилади, бу бургомистрнинг вазифаси ҳисобланади.

Жамоанинг иккинчи асосий инстанцияси бургомистр ҳисобланади. У муниципал кенгаш раиси ва жамоа маъмурияти раҳбари саналади. 5 йилга сайланадиган муниципал кенгашдан фаркли равишда, бургомистрнинг бу лавозимни эгаллаш муддати 8 йилни ташкил этади. Бу эса узок муддатга мўлжалланган коммунал лойиҳаларни яъни, мактаблар, йўллар қурилиши ва ҳоказоларни нафақат режалаштириш, балки, кўп ҳолларда, уларни ниҳоясига етказиш имконини ҳам беради. Демак, бургомистрнинг 8 йиллик ваколат муддати тугагач, амалга оширилган лойиҳалар асосида бургомистрнинг иш фаолиятига баҳо берилади, бу кейинги сайловларда ГФР фуқароларига қарорлар қабул қилиш имконини беради. 2000 ва ундан ортиқ аҳоли сонига эга бўлган жамоаларда бургомистр маълум муддат штатдаги давлат хизматчиси ҳисобланади, аҳоли сони 2000 кишидан кам бўлган жамоаларда эса маълум бир муддат жамоатчилик асосида ишлайди. Жанубий Германияда бургомистрлар, асосан, доимий асосда ишлайди, уларнинг меҳнатига яхши ҳақ тўланади.

Муниципал кенгаш раиси сифатида бургомистр кенгашининг ноқонуний ёки жамоа манфаатларига номувофик бўлган қарорларига нисбатан норозилик билдириш ҳуқуқига эга бўлади, маълум бир ҳолларда эса норозилик билдириш мажбуриятига эга бўлади. Бундай ҳолларда муниципал кенгаш қайта муҳокама ўтказиши ва янги қарор қабул қилиши шарт. Бундан ташқари, бургомистр фавқулотда вазиятлар рўй берган ҳолларда, яъни маълум бир шароитда муниципал кенгаш ўрнига қарор қабул қилади.

ГФР қонунчилигига мувофиқ, давлат ҳар бир муниципал корпорацияни назорат қилади. Бу мамлакатнинг давлат органлари муниципал органлар

фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлиб, мазкур ваколатга эгалик ҳуқуқи қонунчиликда белгилаб қуйилган. Ҳуқуқий ва профессионал назорат шакли мавжуд. Маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари уз ваколатлари доирасига кирувчи вазифаларни бажарган ҳолларда *ҳуқуқий назорат* амалга оширилади. Ҳуқуқий назорат қуйидагилар билан чекланади: қонунда белгиланган ҳолда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган ижтимоий-ҳуқуқий бурч ва вазифалар ижросининг таъминланиши, шунингдек мазкур органлар бошқарув фаолиятининг қонунийлиги. Демак, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунга зид хатти ҳаракатлар амалга оширилмаган ҳолларда, давлат ушбу органлар мустақил ҳал қилаётган масалаларга аралаша олмайди.

Профессионал назорат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан вакил қилинган ваколатлар ижросини талаб даражасида назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Бу соҳада давлат назорати жамоалар томонидан ҳал этилаётган масалаларни ҳам ўз ичига олади, яъни назорат қонунга мувофиқликни назорат қилиш доирасидан четга чиқади ва мунтазам равишда амалга оширилади. Давлат назорати органлари ўзларининг назорат қилиш ваколатларини истаган равишда эмас, балки қонунда белгилаб қуйилган доирадагина амалга ошира олади. Бундан ташқари, уларнинг қарорлари суд тартибида назорат қилинади.

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш лозимки, Франция, ГФР ва бошқа Гарбий Европа давлатларининг маҳаллий бошқарув тизими соҳасида тўлаган тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, бу давлатларда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви вазифаларини ажратишнинг анча изчил механизми юзага келган, маҳаллий бошқарув органлари томонидан давлат функциялари тобора кенгрок ваколатланияпти, маҳаллий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқлари кенгаймоқда. Ушбу тажриба барча мамлакатлар учун ташкилий-бошқарув моделини кўриш ҳамда илмий асослаш борасида фикр юритиш учун яхши озука бўлади. Ҳамма вақт ҳар бир модель у ёки бу давлатга хос миллий, ҳудудий ва сиёсий ўзига хосликларни акс эттиради.

## **II БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва регламенти.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида фаолиятини амалга ошириб келаётган халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар, фаолиятининг ташкилий шакли ва услублари ўз функция ва ваколатларини ҳар хил ташкилий шакллардан фойдаланиб амалга оширадilar. Давлат ҳокимияти органлари ва ҳокимлар олдида турган вазифалар депутатлар, ҳокимлик аппарати, жамоатчилик вакиллари томонидан бажарилади. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий шакллари дейилганда юқорида кўрсатилган шахслар ва органларнинг халқ депутатлари Кенгашлари функция ва ваколатларини амалга оширишда қатнашиш воситалари тушунилади.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий шакллари ўзларининг йўналишларига кўра ҳар томонлама характерга эга. Улар ёрдамида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлардаги ички ташкилий муносабатлар ҳам, улар томонидан давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш бўйича ўз функцияларини бажаришга ҳам эришилади<sup>1</sup>.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий шакллари Ўзбекистонда мавжуд бўлган вакиллик органларининг тарихий ривожланиши жараёнида вужудга келган бўлиб, уларнинг асосийлари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси мазмунидан келиб чиқади.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг асосий ташкилий шакллари куйидагилар киради:

- 1) Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари.
- 2) Ҳокимларнинг ижроия аппарати.
- 3) Халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари,

---

<sup>1</sup> Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).–Т.: Академия, 2001. – 160 б.

4) Давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг сайлов округидаги фаолияти.

Халқ депутатлари кенашларининг асосий-ташкилий шаклларида бири бу сессия ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сессия сўзи латинча *sessio* — сўздан олинган бўлиб, мажлис, йиғилиш деган маънони билдиради. Яъни, иш, машғулоти даврий равишда амалга ошириладиган ваколатли органлар-нинг, суд ёки жамиятларнинг иш, йиғилиш ўтказадиган даври. Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги<sup>1</sup> Қонунининг 17-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир.

Сессия ҳоким ёки тегишли маҳаллий Кенгаш депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида икки марта чақирилади.

Маҳаллий Кенгашларнинг қўшма сессияси тегишли ҳоким ва тегишли маҳаллий Кенгаш депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан чақирилади. Қўшма мажлисни чақириш тўғрисида ҳокимларнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин.

Маҳаллий Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари, қўмиталари билан қўшма мажлислари ҳоким томонидан чақирилади.

Сессия, бирлашган сессия ва қўшма мажлисларни (бундан буён матнда сессия деб юритилади) чақириш тўғрисидаги қарорда сессияни чақириш вақти ва жойи, сессия кўриб чиқадиган масалалар ва масалани сессияга олиб чиқиш учун масъуллар кўрсатилади. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан ва унинг кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 й № 9 320 модда .

Сессия кун тартиби лойиҳаси ҳокимнинг сессияни чақириш тўғрисидаги қароридан белгиланади. Бу ҳусусида қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз<sup>1</sup>.

Кейинги ташкилий-ҳуқуқий шакли давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти. Маҳаллий Кенгаш депутатининг ўз сайлов округидаги иши унинг асосий мажбурияти ҳисобланади. Маҳаллий Кенгаш депутатининг сайлов округидаги иши қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Биринчидан, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан, сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш; аҳолини маҳаллий Кенгашнинг иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриш; қонунларнинг ва ҳокимият вакиллик органлари қарорларининг ижросини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда иштирок этиш; жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти органларига хабар бериш, маҳаллий Кенгаш қарорларини тайёрлашда ўз таклифларини киритиш.

Иккинчидан, сайловчилардан ўзига тушган таклиф, ариза ва шикоятларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш, уларни ўз вақтида ва тўғри ҳал этиш чораларини кўриш, ўз сайлов округида фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиш<sup>2</sup>. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутат зарур шароитлар билан таъминланади. Унинг илтимосига кўра ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жой ажратиш, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлар ўтказадиган, фуқароларни қабул қиладиган вақти ва жойини фуқароларга маълум қиладилар, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юбордилар, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чоратadbирлар кўрадилар. Бунда депутатларнинг қабул вақти ва жойи ҳақидаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар. 2012.

<sup>2</sup> Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат).—Т.: Академия, 2001. — 160 б.



ахборотни сайловчилар эътиборига фуқаролар қабул қилинадиган жойларда етказишдан ташқари оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилиш тавсия этилади. Бу йўналишдаги ишларни фаоллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида бажарилиши ҳақидаги қўшма қарори ва маълумотномаси қўл келиши мумкин (ушбу қарор ва маълумотнома мамлакатимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига 2006 йилнинг апрель ойида ишда фойдаланиш учун юборилган). «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши 2007 йил 23 февралда Урганч шаҳрида ўтказилган қўшма мажлисда қабул қилган қарор ҳам шу йўналишдаги муҳим ҳужжат бўлиб қолди ва у парламент юқори палатаси билан ҳокимият вакиллик органларининг ҳамкорлигидан далолат берувчи ёрқин мисолдир.

Ижобий натижаларга эришиш, депутатларнинг нуфузини ва уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида фуқароларни қабул қилиш учун депутатларга ажратилаётган жойларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президентимиз фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини, умуман депутат иши учун зарур юридик ва бошқа махсус адабиётларни жамлаш ҳам тавсия этилади.

Учинчидан, маҳаллий Кенгаш депутати вақти-вақти билан, аммо йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчилар олдида ҳисобот бериши ва ўзи сайланган маҳаллий Кенгаш иши ҳақида сайловчиларни хабардор этиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси .1994 й № 9, 320 модда.

туриши зарур. Депутатнинг ҳисобот бериши шу мақсадда тегишли ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан чақириладиган сайловчилар йиғилишларида ёки мазкур сайлов округи вакиллари йиғилишларида ўтказилади. Ҳисобот бериши ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши учун депутатга зарур шароитлар яратиб берилади. Депутатнинг илтимосига кўра, ҳокимлик бино ажратишни ташкил этади, унинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган вақт ва жойни фуқароларга маълум қилади.

Тўртинчидан, юқори турувчи маҳаллий Кенгаш депутати қуйи турувчи маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг органлари мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Депутатларнинг қуйи турувчи маҳаллий Кенгашлар сессияларида кенг иштирок этиши депутатларнинг обрў-эътиборини янада мустаҳкамлайди, қуйи турувчи маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иш шакллари яхшилашга ҳисса қўшади.

Бешинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бошқа тарзда бузилганда давлат ҳокимиятининг вакили сифатида депутат ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарлик тўхтатилишини талаб қилишга, зарурат бўлганда эса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиш ёки қонун ҳужжатларини бошқа тарзда бузиш аниқланган ҳолларда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутат сайловчилар билан учрашув ўтказаётганда ҳисобот маърузасида ўзининг сайлов округида амалга оширган иши, маҳаллий Кенгашга берган таклифлари, улар маҳаллий Кенгашнинг қарорларида, доимий комиссияларнинг тавсияларида қандай акс этганлиги, ўз сайловчиларидан тушган хатлар, таклифлар ва шикоятлар, фуқароларни қабул қилиш

юзасидан, доимий комиссияда, депутатлар гуруҳида ва сайлов округининг ўзида олиб бораётган ишлари тўғрисида сайловчиларни хабардор қилади<sup>1</sup>.

Депутатнинг сайловчилар йиғилишидаги маърузаси тингловчилар бу маъруза ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадиган, камчиликларни очик кўрсатадиган, ўз таклифларини ўртоқлашадиган даражада мазмундор ва қизиқарли бўлиши керак.

Депутатнинг маърузаси, қоида тариқасида, икки асосий қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда Кенгашнинг ва унинг органларининг фаолияти тўғрисида, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишдаги ютуқлар ҳамда камчиликлар тўғрисида сўз боради. Ҳисоботлар, маърузалар, қарорлар лойиҳалари ва бошқа материалларни тайёрлаш учун ҳокимликлар депутатларни тегишли ҳокимият вакиллик органлари қабул қилган ҳужжатлар билан таъминлайдилар, ахборот йўсинидаги ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашга кўмаклашадилар, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштирадилар.

Ҳисобот маърузасининг иккинчи қисми бевосита депутатнинг ўз фаолиятига, яъни унинг маҳаллий Кенгаш ва доимий комиссиялар ишидаги иштирокига, фуқароларни қабул қилиши, фуқаролардан тушган хатлар ва шикоятларни қараб чиқиши, сайловчиларнинг таклифларини бажаришдаги иштирокига бағишланади. Маърузанинг бу қисмини тайёрлашда депутат ўз кундалик дафтарида фойдаланади. Депутат ҳисобот даври мобайнида бу дафтарга турли қайдлар қилиб, ўз депутатлик фаолиятининг турли томонларини акс эттириб боради.

Депутат ўз маърузасининг якунида маҳаллий Кенгаш ва унинг органлари олдида турган вазифалар тўғрисида гапиради, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беради ва сайловчиларни бу вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишга чақиради. Депутатнинг маърузаси тўлиқ, ўз-ўзини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар.2012.

танқид руҳида ёзилган бўлса, унда маҳаллий Кенгаш ва ҳокимликнинг фаолияти таҳлил қилиниб камчиликлар ҳам айтиб ўтилган бўлса, фойдали бўлади.

Амалда кўпинча депутат қайси давр учун ҳисобот бериши керак, деган савол туғилади. Депутатнинг биринчи ҳисоботи у сайланган пайтдан белгиланган тартибда ҳисобот бериши керак бўлган кунгача ўтган даврни ўз ичига олади. Кейинги ҳисоботлар маҳаллий Кенгашнинг ва депутатнинг олдинги ҳисоботдан навбатдаги ҳисоботгача ўтган даврни қамраб оладиган тарзда тузилиши керак. Аммо бу, зарур бўлган ҳолларда, илгарироқ қилинган ишлар ҳақида ҳам сўзлаш имконини истисно қилмайди. Кейинги вақтларда депутатларнинг бутун чақириқ мобайнида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бериши кенг ёйила бошлади<sup>1</sup>.

Ҳисобот йиғилиши ўтказилганидан кейин депутат кечи билан уч кун ичида ҳисобот ўтказилган жой ва вақт, йиғилишда ҳозир бўлган ва сўзга чиққан сайловчилар сони, ўзининг фаолиятига қандай баҳо берилганлиги ва сайловчилардан тушган таклифлар тўғрисида тегишли маҳаллий Кенгаш раҳбарини ёзма равишда хабардор қилиши мақсадга мувофиқдир.

Сайловчиларни қабул қилиш, уларнинг хат ва таклифларини қараб чиқиш депутатнинг сайлов округидаги фаолиятининг энг муҳим шакллари билан биридир. Фуқаролар депутатларга хат ва шикоятлар билан мурожаат қилар эканлар, уларни ҳокимликдаги ўз вакиллари деб биладилар, ўзларига ёрдам беришларига, ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишларига ишонадилар. Келиб тушган ҳар бир хат ёки шикоятни ўз вақтида ва атрофлича ўрганиб чиқиш ҳамда уларга ўз вақтида жавоб бериш депутатнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Агар таклиф, илтимос ёки шикоятларни қараб чиқиш узоқроқ вақт талаб қиладиган бўлса, хат муаллифи бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилиниши лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Жўраев Б. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий ташкилий масалалар. Юридик фанлар номзоди ... диссертация автореферати. Т., 1999

Одатда сайловчилар депутатга мурожаат қилиб, унинг олдига кенг доирадаги ва кўп қиррали масалаларни қўядилар. Шу сабабли хатларга тўғри жавоб ва изоҳлар бериш учун депутат ер тўғрисидаги, меҳнатга, пенсияга оид, уй-жой тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларини кунт билан ўрганиб чиқиши керак.

Кундуз куни ишлаб чиқаришда банд бўлган фуқароларга қулайлик бўлиши учун депутат уларни, одатда, кечқурунлари ёки дам олиш кунлари қабул қилади. Қабулни қайси вақтда ва қаерда ташкил қилиш масаласини депутат ҳокимлик билан биргаликда ҳал этади. Қабул вақти ва жойи тўғрисида эълон осиб қўйилади ёки бу маълумотлар бошқача усуллар билан сайловчилар эътиборига етказилади. Депутат ўз кундалик дафтарида қабул қилишини сўраб ўзига мурожаат қилган фуқароларни ҳисобга олиб боради, ўзи қандай чоралар кўрганлигини, фуқароларнинг илтимослари қаноатлантирилганлигини ёки қаноатлантирилмаганлиги сабабларини ёзиб боради.

Депутат асоссиз илтимосларни қувватлай олмайди. Бундай ҳолларда депутат мурожаат этган кишига унинг ноҳақлиги боисини, илтимосини нима сабабдан қондириш мумкин эмаслигини тўғри тушунтира билиши керак.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг регламенти ҳақида айтиб ўтадиган бўлсак дастлаб регламент сўзининг маъносига тўхталиб ўтишимиз лозим бўлиб, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида регламент франсузча – регламент, лотинча. *regula* — тартиб, қоида деган маънони билдириб, 1 Йиғилиш, мажлис, кенгашни олиб бориш, ўтказиш тартиби. 2 Бирор давлат органи, муассаса, ташкилот ва шу кабиларининг фаолият тартибини белгиловчи низом ва қоидалар мажмуи. 3 Халқаро конгресслар ва конференциялар томонидан қабул қилинган баъзи ҳужжатларнинг номи. Демак регламент биз таҳлил қилаётган мавзу доирасида қабул қилинадиган бўлсак, регламенти халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг фаолият тартибини белгиловчи низом ва қоидалар мажмуи

тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 154–II-сонли Қарорига 1-илова сифатида Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти қабул қилинган. Мазкур норматив ҳужжат 10 боб ва 79-моддадан иборат бўлиб унда халқ дерутат вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳақидаги умумий қоидалар, сессияларни чақириш ва ўтказиш тартиби, сессияда масалаларни кўриб чиқиш тартиби, сессияда қарорлар қабул қилиш ва уларни эълон қилиш тартиби, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокими – халқ депутатлари Кенгашининг раҳбарини тасдиқлаш тартиби, туман, шаҳар ҳокими – халқ депутатлари Кенгашининг раҳбарини тасдиқлаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоларини сайлаш тартиби, доимий ва муваққат комиссияларнинг фаолият юритиш тартиби, депутатлик фаолиятини амалга ошириш шакллари ва халқ депутатлари Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизмат кўрсатиш каби масалаларнинг қандай тартибда амалга оширилиши назарда тутиб ўтилган. Мана шундай норматив ҳужжатнинг мавжуд бўлиши халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг фаолият юритишида юзага келадиган техник, маъмурий ва хўжалик муоммоларининг хал этишга ҳизмат қилади.

## **2.2. Халқ депутатлари Кенгашларида сессиялар, доимий комиссиялар фаолиятининг ташкил этилиши**

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, маҳаллий Кенгашларнинг асосий иш шакли сессиядир. Маҳаллий Кенгаш сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида икки марта чақирилади. Тегишли вилоят, туман ёки шаҳарни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга оширишга оид масалаларни янада тезроқ ҳал этиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар навбатдан ташқари сессияларни ҳам

ўтказишлари мумкин. Бу ҳам ҳокимият вакиллик органлари ишининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда маҳаллий Кенгашлар учун белгиланган депутатлар сони ҳам (халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 нафаргача, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 30 нафаргача депутат сайланади) маҳаллий Кенгаш сессияларини тезкорлик билан ташкил этиш ва ўтказиш имконини беради<sup>1</sup>.

Маҳаллий Кенгашнинг ҳар йили келгуси йилга мўлжаллаб тузиладиган иш режасига киритиладиган масалалар, қоида тарихида, маҳаллий Кенгаш сессияларида кўриб чиқилиши лозим.

Маҳаллий Кенгашнинг сессияларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ташкилий фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни аниқлаш;

ишчи гуруҳлар тузиш;

сессия белгиланган кун ва унинг кун тартибига киритилаётган масалаларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

қонунга мувофиқ депутатларга сессия белгиланган кундан камида етти кун олдин бўлажак сессия тўғрисида хабарнома ва кўриладиган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини юбориш;

депутатларни ва сессияга таклиф этилганларни рўйхатга олиш;

тахрир гуруҳларини тузиш.

Ташкилий масалаларни ҳал қилишдан ташқари, маҳаллий Кенгаш сессияси қатнашчиларининг самарали ишлашлари учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритишга мўлжалланган масалаларни олдиндан тайёрлаш ва муҳокама жараёнида иштирок этиш учун имкон қадар кўпроқ депутатларни жалб қилиш, кўриладиган масалага дахлдор корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар фикрини ўрганиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар.2012.

хамда улар билан мунозаралар ўтказиш зарур. Маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритилган масалаларни олдиндан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, ушбу масалалар юзасидан аҳолининг фикрини ўрганишда фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазаларини тегишли доимий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>. Айни бир вақтда маҳаллий Кенгаш сессиясида қабул қилинган қарорларни вилоят, туман, шаҳар газеталарида эълон қилиш, уларнинг ижросини назоратга олиш, маҳаллий Кенгаш қарорларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборотларни мунтазам таҳлил қилиб бориш тавсия этилади<sup>2</sup>.

Депутатнинг Кенгаш сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларида иштирок этишининг шакллари ҳар хил. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, депутат:

маҳаллий Кенгашнинг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга;

маҳаллий Кенгашнинг мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

маҳаллий Кенгаш мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

маҳаллий Кенгаш томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

маҳаллий Кенгашнинг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

депутат сўрови билан мурожаат этишга;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар. 2012.

<sup>2</sup> Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомнинг 3-моддаси. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг айрим масалаларига оид қўлланмалар. – Т., 2000.



ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изох беришга;

маҳаллий Кенгашнинг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

маҳаллий Кенгашнинг қайси органи таркибига киритилган бўлса, шу органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини маҳаллий Кенгашнинг мажлисида баён этишга ёки бу ҳақда маҳаллий Кенгашнинг раҳбарига ёзма равишда маълум қилишга;

маҳаллий Кенгашга ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур Кенгашнинг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек маҳаллий Кенгаш қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқиши учун масалалар таклиф этишга;

маҳаллий Кенгаш мажлисларининг стенограммалари билан танишишга ҳақли.

Маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйиладиган масалалар тўғрисида хабар олгач, депутатлар ушбу хабарни ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Депутатлар ишчи гуруҳлари ёки доимий комиссиялар мажлисларида фикр алмашув депутатга муҳокама қилинаётган масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилишга ва ўз нуқтаи назарини тўғри белгилаб олишга имкон беради. Агар муҳокама қилинаётган масала ўзи ишлаб турган ташкилотнинг манфаатларига дахлдор бўлса, депутат ўз жамоасидаги ҳамкасблари ва мутахассислар билан ҳам фикр алмашиши мумкин. Бундай муҳокама депутатга сессия кун тартибига киритилган масалаларни чуқур таҳлил

қилишга, маъруза вақтида ўз фикрини аниқ ва лўнда баён қилишга, асослантилган таклиф ва эътирозлар билдиришга имкон беради<sup>1</sup>.

Депутатларнинг сессияга тайёргарлик кўриш жараёнидаги иштироки қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, бирон-бир камчилик аниқлангудек бўлса, сессия очилишидан аввал уларни бартараф этишнинг амалий чораларини кўриш ва такрорланиши эҳтимолининг олдини олиши мақсадга мувофиқдир. Сессияга тайёргарлик ишларининг тўғри ташкил қилиниши, унда депутатларнинг фаол иштирок этиши тайёргарликнинг илк босқичидаёқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг турли йўналишларида ишни яхшилаш имконини беради. Бу сессияга тайёргарлик ишлари даврида депутат фаолиятининг муҳим жиҳатидир, чунки текшириш шунчаки расмиятчилик эмас, балки камчиликларни бартараф қилишнинг, ишни яхшилаш учун янги имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланишнинг таъсирчан воситасидир<sup>2</sup>.

Депутатлар сессияда кўриб чиқиш учун киритилган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этишлари лозим. Шу муносабат билан депутатларга доимий комиссиялар, ҳокимлик бошқарма ёки бўлимлари томонидан ишлаб чиқилган қарорларнинг лойиҳаларини сессия очилишидан бир неча кун олдин юбориш тавсия этилади. Бундай ҳолларда лойиҳаларни олган депутатлар уларни ишчи-хизматчилар, мутахассислар ўртасида ҳамда фуқароларнинг йиғинларида муҳокама қилишлари мумкин бўлади. Муҳокамалар вақтида билдирилган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қарор лойиҳасини ишлаб маромига етказишда инобатга олиниши мумкин.

Депутатнинг маҳаллий Кенгаш сессиясида масалаларни муҳокама қилиш жараёнидаги фаоллиги ва амалий иштироки даражаси депутат маърузасининг сифати ва мазмунига боғлиқ. Пухта ўйлаб тузилган, депутатлар муҳокамасига қўйилган масалани моҳият-эътибори билан қараб

---

<sup>1</sup> Нормуродов Х. Доимий комиссия нима дегани ва у қандай ваколатларга эга? // Зарафшон, 2002 йил, 2 ноябр сони,

<sup>2</sup> Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2000 йилдаги ташкилий фаолияти тўғрисидаги маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг жорий архиви

чиқишга ёрдам берадиган маъруза ҳамиша диққатни жалб этади, депутатларни ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишга, тажрибаларини ўртоқлашишга ундайди.

Депутат сўрови билан мурожаат қилиш — депутатнинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли. Депутат сўровининг мақсади ҳокимликлар, уларнинг бошқармалари ва бўлимлари фаолиятидаги, маҳаллий Кенгаш ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари фаолиятидаги камчиликларни бартараф қилиш ёки бўшлиқларни тўлдиришдир. Депутат сўрови айрим депутат томонидан ҳам, депутатлар гуруҳи томонидан ҳам берилиши мумкин.

Депутат сўровини маҳаллий Кенгаш сессиясида сўзлаётган шахсга бериладиган савол ёки депутат томонидан фуқароларнинг мурожаатлари хусусида юбориладиган хатлар билан алмаштирмаслик керак. Маърузачига савол берилганда унинг маърузасидаги ёки кўшимча маърузасидаги бирон-бир фикр аниқлаб олинади. Депутат сўрови маҳаллий Кенгаш сессиясида масалаларни муҳокама қилиш вақтида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлардан фарқ қилиши керак.

Депутатга депутат сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборишлари шарт. Бунда шуни таъкидлаш керакки, судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлмаслиги керак.

Депутат сўровлари бўйича ахборот маҳаллий Кенгашнинг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин, муҳокама натижаси бўйича мазкур Кенгаш тегишли қарор қабул қилади.

Депутатнинг сессиядаги фаолияти унинг маҳаллий Кенгаш органига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириши, масалаларни муҳокама қилиш ҳамда қарорлар қабул қилишда иштирок этиши, сўровлар бериши ва шу сингарилар билан чекланиб қолмайди. Сессияларда депутатларнинг ўз депутатлик вазифаларини, маҳаллий Кенгаш ва унинг органлари қарорлари ҳамда топшириқларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ахборотини эшитиш уларнинг масъулиятини оширишга, депутатларнинг маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг органлари билан ўзаро муносабатлари шаклларини такомиллаштиришга ёрдам беради, маҳаллий Кенгашларнинг ишини янада хилма-хиллаштиради, депутатлик фаолиятининг ижобий тажрибасини кенг оммалаштиришга хизмат қилади<sup>1</sup>.

Депутатлар сессияларда ҳисобот берар эканлар, фақатгина қилган ишлари ҳақида гапириш билан чекланиб қолмай, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини тубдан яхшилаш масалаларини кўтаришлари, бу борадаги вазифаларни бажариш, муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишлари, ҳокимлик, унинг бошқарма ва бўлимларининг халқ хўжалигининг турли соҳаси ишларидаги камчиликларга холислик билан баҳо бериб ўтишлари керак.

Сессиянинг муҳокама этилаётган масалалар соҳасидаги ишларнинг аҳволига таъсири кўп жиҳатдан маҳаллий Кенгаш қабул қилган қарорларнинг аниқлигига ва муайян мақсадларга қатъий қаратилганлигига боғлиқ.

Ҳар томонлама пухта қарор фақат депутатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилиши мумкин. Тушган таклифларни ўрганиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар.2012.

ва уларни қарор лойиҳасига киритиш учун депутатлар орасидан таҳрир гуруҳи тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳокимликнинг тегишли ишларни масалалар муҳокама қилинаётган вақтда депутатлар билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда бажариши маҳаллий Кенгаш сессияларида депутатлар фаоллигини рағбатлантиришнинг муҳим омилidir. Таҷриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳокимликда депутатнинг ҳар бир таклифи ва мулоҳазасига эътибор билан қаралган, бу таклифлар ва мулоҳазалар амалга оширилган жойларда депутатлар иши яна ҳам фаоллашмоқда, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари эса кўламдор мазмун ва салмоқ касб этмоқда.

Маълумки, сўзлашни истаган ҳамма депутатларнинг ҳам сессияда сўзга чиқишига баъзан имкон бўлмайди. Шу муносабат билан депутатнинг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунида** назарда тутилган ҳуқуқи — муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз таклифлари ва мулоҳазаларини сессияда раислик қилувчига ёзма равишда топшириш ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга. Депутатларнинг ёзма таклифлари ва мулоҳазалари сессия баённомасига қўшиб қўйилиши, ҳокимлик эса уларни амалга ошириш чорасини кўриши керак. Бунинг натижасида депутатларнинг сессия ишларида янада фаол иштирок этишларига эришилади.

Маҳаллий Кенгаш қарорларини бажариш — ҳокимликлар, уларнинг бошқармалари ва бўлимларининг, тегишли ҳудуддаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вазифасидир. Ҳозирги вақтда Кенгаш қарорларининг амалга оширилиши учун депутатларнинг фаол иштироки зарур. Бу ўринда депутатлар ташкилий ишларнинг турли шаклларида фойдаланишлари мумкин. Масалан, сессиядан кейин депутатлар дарҳол ўз сайлов округларида, меҳнат жамоаларида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари, сайловчиларни маҳаллий Кенгаш қабул қилган қарорларни бажаришда иштирок этишга сафарбар қилишлари мумкин.

Ҳозирги кунда Халқ депутатлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда бир қатор **камчиликлар** ҳам учраб турибди. Булар Халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг матнларида одатда кўпгина ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши қарорининг номи унинг мазмунига мос бўлмайди. Халқ депутатлари кенгаши қарорларининг матнларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар қилинганда уларнинг реквизитлари – норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинган санаси ва рақами тўлиқ кўрсатилмайди. Халқ депутатлари кенгашининг қарорларидаги топшириқлар расмийлик учунгина берилади, яъни топшириқлар аниқ ва тушунарли бўлмайди. Баъзан эса халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида мазкур қарорнинг ижроси зиммасига юклатилган аниқ ижрочилар кўрсатилмайди<sup>1</sup>.

Яна бир жиддий камчилик сифатида халқ депутатлари Кенгашининг қарорларида баён этилган топшириқларни ижро этиш муддати, ушбу қарорлардаги топшириқлар ижросини таъминлашга маъсул бўлган шахсларнинг белгиланмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Айрим ҳолларда эса халқ депутатлари Кенгаши қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ёки депутатлари эмас балки ҳокимлик аппаратининг мансабдор шахсларига ёки ҳоким ўринбосарлари – тегишли мажмуалар раҳбарлари зиммасига юклатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ депутатлари Кенгашларининг ўз фаолиятларида бундай камчиликларга йўл қўйишлари халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижроси билан боғлиқ ишлар самарадорлигига ҳам, депутатларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмайди.

Доимий комиссиялар маҳаллий Кенгаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиш билан бир вақтда депутатлар ва фуқароларни давлатни бошқаришда иштирок этишга жалб қилишнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Юқорида кўрсатилганидек, доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашнинг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи орган бўлиб, маҳаллий

---

<sup>1</sup> Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомнинг 3-моддаси. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг айрим масалаларига оид қўлланмалар. – Т., 2000.

Кенгашнинг бутун ваколат муддатига сайланади. Шу билан бирга доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашларга ва ҳокимликларга ёрдам бериш билан боғлиқ ишлар билан чекланиб қолмасдан, мустақил равишда бир қатор тадбирлар ўтказишлари ҳам керак.

Доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашларнинг биринчи сессияларида, маҳаллий шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, хўжалик, маданий, иқтисодий ва бошқа йўналишлар бўйича тузилади<sup>1</sup>.

Доимий комиссияларнинг ташкилий ишлари даражаси, самарадорлиги, энг аввало, комиссиялар таркибига сайланган депутатларнинг фаоллигига, уларнинг ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдалана олишларига боғлиқ. Доимий комиссиялар таркиби кўрилаётганда уларга энг ташаббускор, тажрибали кишилар бошчилик қилиши назарда тутилмоғи, комиссияларнинг аъзолари сайланаётганда депутатларнинг билими, ташкилотчилик қобилияти, тажрибаси, машғулот тури ва ҳоказолар ҳисобга олинмоғи керак<sup>2</sup>.

Маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияларида депутатлар бажарадиган ишларнинг асосий шакл ва усуллари куйидагилардан иборат.

Депутат доимий комиссияга сайланганидан кейин, биринчи навбатда қандай масалалар билан шуғулланишини аниқлаб олиши керак. Ҳокимликлар депутатларга ёрдам бериш мақсадида биринчи сессиядан кейиноқ дарҳол доимий комиссияларнинг аъзолари билан семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказишлари, уларда тегишли ҳокимликнинг, унинг бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари, комиссияларнинг аъзоси бўлмиш депутатлар тажриба алмашишлари, хўжалик ва маданий қурилишнинг муайян соҳасида маҳаллий Кенгаш олдида турган вазифаларни бажариш учун комиссиянинг қайси иш шакллари ва усуллари мақсадга мувофиқлигини асослаб беришлари жоиз деб қаралади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар. 2012.

<sup>2</sup> Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомнинг 3-моддаси. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг айрим масалаларига оид қўлланмалар. – Т., 2000.

Доимий комиссияларнинг раҳбарлари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта билишлари жуда муҳимдир. Доимий комиссияларнинг иш тажрибасида шундай қатъий бир тартиб қарор топганки, унга мувофиқ комиссия раиси комиссиянинг барча ишига раҳбарлик қилади, мажлислар чақиради ва уларда раислик қилади, материалларни умумлаштиради ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди, комиссия иш режасининг бажарилишини назорат қилиб туради, топшириқлар беради, комиссия номидан ҳокимлик, унинг бошқармалари ва бўлимлари билан, маҳаллий Кенгаш ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Комиссия котиби унга ҳар томонлама ёрдам беради ва комиссия иш ҳужжатларини юритади.

Доимий комиссия шуғулланадиган масалалар унинг иш режасида белгилаб қўйилади. Режалар жорий даврга (йил чораги) ҳамда истиқболга (йиллик ва Кенгашнинг ваколат муддати) мўлжаллаб тузилади. Аниқ ҳаракат режаси комиссиялар ишини ташкил қилишнинг асосидир. Шунинг учун ҳар бир режа, ҳар бир масала комиссия аъзоларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилади. Фақат шундагина масалалар доирасини тўғри белгилаш, эътиборни кўпроқ ижтимоий аҳамиятга молик долзарб муаммоларга қаратиш мумкин бўлади.

Кейинги вақтларда доимий комиссиялар амалиётига йиллик иш режаси тузиш тажрибаси мустаҳкам кириб бормоқда. Бундай режалар одатда уч қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда комиссиялар маҳаллий Кенгаш муҳокамасига киритилиши лозим бўлган йирик муаммоларни ўрганишни режалаштирадилар. Иккинчи қисмда ҳокимликда муҳокама этиш учун тайёрланадиган масалалар назарда тутилади. Учинчи қисмда доимий комиссияларнинг ўз мажлисларида муҳокама қилиш мўлжалланаётган, назорат-таҳлил фаолияти билан боғлиқ масалалар акс эттирилади. Одатда доимий комиссиялар ўз йиллик режаларини ҳокимликнинг, унинг бошқармалари ва бўлимларининг йиллик режаларини ҳисобга олган ҳолда тузадилар.



Депутатнинг иш режаларини тузиш асосий ва ҳал қилувчи ўрин тутади. Доимий комиссиянинг ҳар бир аъзоси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан комиссия муҳокамасига масалалар киритиш ва масалаларни муҳокамага тайёрлашда фаол иштирок этиш ҳуқуқига эга<sup>1</sup>.

Доимий комиссиянинг тўғри тузилган иш режаси доимий комиссиялар олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини кўп жиҳатдан таъминлайди.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш, одатда, фаолияти муҳокамага кўйиладиган корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганишдан бошланади. Доимий комиссияларда кўриб чиқиш учун масалаларни, маҳаллий Кенгаш сессиясида қилинадиган маъруза ёки кўшимча маърузани тайёрлаш ҳам одатда, назорат ва таҳлилдан бошланади. Шунинг учун доимий комиссиялар таркибига кирган депутатларнинг назорат-таҳлил ишларидаги иштироки уларнинг фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан биридир<sup>2</sup>.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига доимий комиссия таркибига кирган депутатнинг, мазкур орган кўриб чиқиши учун ҳар қандай масала ва таклиф киритиш, бу масалаларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда, уларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда, шунингдек қабул қилинган қарорлар рўёбга чиқарилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш ҳуқуқи ўз аксини топган.

Доимий комиссия раиси текшириш бошланиши олдидан ҳар бир депутатнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиб, комиссия аъзолари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиғатлари бўйича услубий тавсиялар. 2012.

<sup>2</sup> Қаранг: Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомининг 8-моддаси. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомнинг 3-моддаси. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг айрим масалаларига оид қўлланмалар. – Т., 2000

ўртасида вазифаларни тақсимлайди. Бунда муҳими, доимий комиссиянинг ҳар бир аъзосига топшириқ берилган бўлиши керак.

Доимий комиссиялар ичида кичик комиссиялар ёки секциялар тузилиши, уларнинг муайян масалалар билан шуғулланиши эса ижобий самара бериши мумкин.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, вазифаларни доимий комиссия аъзолари ўртасида тақсимлашни ҳар бир конкрет ҳолда ўрганилаётган масаланинг хусусиятига қараб ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аммо вазифаларни қайта-қайта тақсимлайвериш ҳам депутатлар ташаббускорлигини пасайтириб юборади, масалаларни ҳал этишга ижодий ёндашиш имкониятини чеклаб қўяди.

Депутатларга назорат-таҳлил ишларини ўтказишда кўмаклашиш мақсадида доимий комиссияларнинг раҳбарлари ҳокимликлар ёрдамида савол варақалари ва хатлар тайёрлаб, нималарга эътибор бериш зарурлигини, текширувни қай йўсинда тўғри ташкил этиш кераклигини кўрсатишлари, айниқса доимий комиссиялар таркибига биринчи марта сайланган депутатларга катта ёрдам беради.

Нazorat-таҳлилга оид ҳужжатлар доимий комиссиянинг раиси ёки котибида сақланади. Доимий комиссияларнинг раислари ёки шу иш топширилган аъзолари маълумотларни умумлаштирадилар, маърузалар, қўшимча маърузалар ва қарор лойиҳалари матнларини тайёрлайдилар.

Амалдаги қонунларга биноан доимий комиссияларнинг аъзолари зарур ҳолларда ҳокимликнинг бошқармалари ва бўлимлари раҳбарларидан, маҳаллий Кенгаш ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларидан тегишли ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, ҳар қандай текширишдан мақсад фақат камчилик ва нуқсонларни топиш эмас, балки аниқланган камчиликларни бартараф қилишда ташкилотларга ва муассасаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан

иборат бўлиб, бу ҳар бир депутатнинг бурчидир. Доимий комиссиялар фаолиятида тўпланган тажриба шундан далолат беради.

Доимий комиссия коллегиал органдир. Шунинг учун комиссиянинг раиси ва котиби ўз хоҳиши билан комиссия номидан бирон-бир қарор қабул қила олмайди. Улар фақат комиссия аъзолари фаолиятини уюштиради ва йўналтириб туради. Масалани ҳал қилишда узил-кесил сўзни депутатлар айтадилар.

Доимий комиссиялар фаолиятининг асосий шакли мажлислар бўлиб, улар комиссия аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида депутат ўзи сайланган доимий комиссиянинг ишида фаол иштирок этиши шарт, деб кўрсатилган. Шунинг учун комиссия аъзосининг комиссия мажлисларида мунтазам иштирок этиши унинг асосий бурчидир<sup>1</sup>.

Доимий комиссиянинг ҳар бир аъзоси комиссия мажлисларида ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан қатнашади. Масалаларни муҳокама қилиш вақтида доимий комиссия аъзолари ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар. Доимий комиссия мажлисларида шу комиссия аъзоси бўлмаган бошқа депутатлар маслаҳат овози билан қатнашишлари мумкин.

Доимий комиссия мажлисларига фаолияти муҳокамага қўйилаётган муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларигина эмас, балки турли тармоқлар мутахассислари ҳам таклиф қилинади, бу эса муҳокама қилинаётган масаланинг моҳиятини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим масалалар бир нечта комиссияларнинг кучи билан тайёрланиши ҳам мумкин. Бу депутатларга бир вақтнинг ўзида бир қанча масалаларни ўрганишга, текширилаётган йўналишдаги аҳволни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишга, амалий таклифлар ишлаб чиқишга, жойнинг ўзида ёрдам кўрсатишга имкон беради.

---

<sup>1</sup> Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 2000 йилдаги ташкилий фаолияти тўғрисидаги маълумотнома. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг жорий архиви

Доимий комиссиянинг мажлисларида ҳамма қарорлар очик овоз бериш асосида кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Доимий комиссиянинг ҳар қандай аъзоси шу коллегиял органнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу ҳақда маҳаллий Кенгаш сессиясида чиқиб сўзлаш ҳуқуқига эга.

Доимий комиссиянинг қарорлари тавсия тусига эга бўлади. Лекин уларнинг тавсиялари тегишли давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши шарт. Кўриб чиқиш натижалари бўйича амалга оширилган ишлар, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида комиссияларга белгиланган муддатда хабар қилиниши керак.

Масалаларни маҳаллий Кенгашнинг мажлислари муҳокамасига тайёрлаш, уларни ўз мажлисларида муҳокама қилиш доимий комиссияларнинг муҳим вазифасидир. Ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш доимий комиссияларга бирлашган депутатларнинг муҳим бурчидир.

Доимий комиссиялар маҳаллий Кенгашнинг органлари сифатида ўзларини ташкил қилган маҳаллий Кенгашнинг назорати остида ишлайдилар ва ўз фаолиятлари ҳақида унга ҳисобот берадилар. Маҳаллий Кенгаш комиссияларнинг ишларини йўлга солиб, фаолиятларини назорат қилиб туради, уларнинг ҳисоботлари ва маърузаларини эшитади.

Депутатларнинг доимий комиссиялардаги кўп қиррали фаолияти халқ вакилларининг ишини ташкил этишнинг самарали шакли эканлигидан далолат беради.

Халқ депутатлари кенгаши доимий комиссиялари қарорларининг матнида, одатда, қуйидаги бир қатор камчиликлар учрайди ва бу камчиликлар халқ депутатлар Кенгашининг қарорларига ҳам хосдир. Халқ депутатлар Кенгаши доимий комиссиясига халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиясининг қарорларини кўриб чиқиш якунлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартиби йўқлиги жиддий камчиликлар сирасига киради.

### **2.3. Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилишни такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жумладан маҳаллий ижро ҳокимияти бошлиғи бўлган ҳоким институти миллий анъаналар ва умумеътироф этилган кадриятлар уйғунлигида шакллантирилди. Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият органларига раҳбарлик қилиши баробарида, вакиллик органлари олдидаги маъсуллиги белгиланди. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида вакиллик органлари, хусусан сиёсий партияларнинг маҳаллий бошқарувни амалга ошириш, хусусан ҳоким фаолияти ва қабул қилаётган қарорларига таъсири кучайиб бормокда.

Ҳоким ҳудудда олий мансабдор шахс бўлиб, айти бир вақтда ҳудудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яққабошчилик асосида амалга оширади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади.

Ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қабул қилган ҳужжатлар ижроси ташкил этилишини, давлат бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларнинг самарадорлигини ҳамда аҳолини ҳудуд, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжихатлик қилиш, қишлоқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й № 9 320-модда

хўжалиги, ер ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошка масалаларни ҳам ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддасига мувофиқ, вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Ушбу меъёр ўзбек миллий давлатчилиги анъаналарини ақс этиши баробарида, умумийтироф этилган демократик қадриятларга мос келади. Чунки ривожланган давлатларда маҳаллий ҳокимият турли шаклларда амалга оширилиб, муайян мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида вакиллик ва ижроия органларига бевосита раҳбарлик қилиши ҳам кўп учрайди.

Ҳокимга вакиллик органларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқини беришга уни, одатда, депутатлар орасидан тайинланиши ҳамда тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан тасдиқланиши мустақам сиёсий-ҳуқуқий асос бўлади. Худудий бошқарувга оид қарашларда муайян худудда маҳаллий ҳокимият раҳбарининг тегишли вакиллик органи томонидан сайланиши (тасдиқланиши) ўзини ўзи бошқариш, яъни худудий бошқарувнинг энг демократик шаклининг асосий белгиларидан бири сифатида кўрсатилади.

Ҳокимнинг маҳаллий ва Кенгашлар ўртасидаги муносабатлар фақат уларга раҳбарлик қилишдан иборат эмас. Бундан ташқари, ушбу муносабатларга ҳокимни халқ депутатлари томонидан тасдиқланиши, унинг маҳаллий Кенгаш олдидаги ҳисобдорлиги ҳам қиради. Мисол учун россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон каби давлатларда тайинланади, Германия Федератив Республикаси, Вуюк биритания каби хорижий давлатлар да эса сайловлар йўли билан шакллантирилади. Бундан ҳоким ва маҳаллий Кенгаш ўртасидаги муносабатларни қуйидаги учта асосий жиҳатини кўрсатиш мумкин:

1. Махаллий Кенгашларнинг хокимни лавозимига тасдиклаши.
2. Хокимнинг махаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги.
3. Хокимнинг махаллий Кенгашларга бошчилик килиши.

Хокимнинг махаллий Кенгашларга раҳбарлиги унинг янги сайланган махаллий Кенгашда тасдикланиши билан бошланади. Янги сайланган махаллий Кенгашнинг биринчи - ташкилий сессияси кекса депутатлардан бири томонидан очилади ва у махаллий Кенгаш томонидан хоким тасдиқлангунга қадар сессияда раислик қилади<sup>1</sup>. Махаллий Кенгаш сессияларида хоким, у йўқлигида эса махаллий Кенгашнинг қарорига ёки хоким топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади<sup>2</sup>.

Хокимнинг махаллий Кенгашга раҳбарлиги, асосан, унинг регламенти ва бошқа ички ҳужжатлари билан тартибга солинади. Махаллий Кенгашлар регламентлари ва фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган Халқ депутатлари махаллий Кенгашлар намунавий регламенти, Халқ депутатлари махаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом ва бошқа ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади.

Хоким махаллий Кенгашнинг доимий комиссияларини шакллантиришда, улар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳам иштирок этади. Намунавий регламентнинг 35-моддасига мувофиқ, махаллий Кенгашнинг доимий ва муваққат комиссиялари раислиги ҳамда аъзолигига номзодлар хоким томонидан тақдим этилади. Хоким доимий комиссиялар турлари, улар раислари ва аъзоларини белгилашда махаллий Кенгашдаги сиёсий партиялар гуруҳлари тақлифларини умумлаштириб, улар билан келишилади. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси ва Намунавий регламентнинг 45-моддасида партия гуруҳлари махаллий Кенгаш

---

<sup>1</sup> Азизхўжаев А.А. ва бошқ. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). –Т.: Академия, 2001. – 160 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 -645 б.

комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Партиялар гуруҳлари келишувидан кейин мазкур масала маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқилади.

Сессияни чақириш ва кун тартибини тузиш бир-бирига боғлиқдир. Чунки кун тартиби аниқ бўлганидан кейингина сессия чақирилади. Намунавий регламент 9-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, сессияни, шу жумладан навбатдан ташқари сессияни чақириш ҳақидаги қарор ҳоким томонидан қабул қилинади, иккинчи қисмида эса маҳаллий Кенгаш сессияси ўтказиладиган вақт ва жой ҳамда кун тартиби тўғрисида депутатларга сессия очилишидан қаида етти кун олдин маълум қилиниши белгиланган.

2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 7-моддасида халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари келтириб ўтилган.

Нazorat қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг кониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Мазкур ислоҳатларнинг мантиқий давоми ҳисобланган 2014 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида (23, 78, 93, 98, 103, ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги



муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани натижасида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 25 моддасига тегишли қўшимчалар киритилди унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши назарда тутиб ўтилди. Мазкур норманинг киритилиши маҳаллий ижро органлари устидан халқ депутатлари Кенгашининг самарали назорат олиб боришини таъминлаши лозим. Шу ўринда мазкур ҳисоботларни қанча муддатда бериши назарда тутиб ўтилмаган. Мана шундай нормани қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

## ХУЛОСА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва хотиржамликни асраш йўлида давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилишга қаратилган бунёдкор ишлар эртанги кунга умид ва ишонч туйғуларини мустаҳкамламоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари, хусусан, халқ депутатлари Кенгашлари ушбу эзгу мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутадилар. Худудларда мавжуд муаммоларнинг таҳлили халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг доимий ишчи органлари фаолиятининг самарасини оширишни тақозо этиб, бу ишни давлат ва жамият қурилишининг муҳим вазифаларидан бирига айлантирмоқда.

Республикада халқ депутатлари Кенгашларининг кенг қамровли ваколатларини ихтисослашган ва мунтазам амалга оширувчи ишчи органлари тузилган. Лекин жойлардаги вазият ва доимий комиссиялар фаолиятининг таҳлили ҳамда ривожланган давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси Ўзбекистонда халқ депутатлари кенгашлари доимий комиссияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурати борлигини кўрсатмоқда.

Маҳаллий Кенгашларни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган функциялари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқларини амалга оширишнинг шакл ва услубларини илмий ўрганиш натижасида қуйидаги қатор умумлаштирувчи хулосалар шаклланди:

**Биринчи.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунида қонуннинг мақсади, маҳаллий давлат ҳокимияти тушунчаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг асосий принциплари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаган. Шу жиҳатдан мазкур қонунни унинг мақсадлари билан боғлиқ қуйидаги янги модда билан тўлдириш лозим: *"Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъкил этиши ва амалга ошириши соҳасидаги муносабатларни тартибга солади"*. Бундай нормалар МДҲга аъзо айрим давлатлар қонунчилигида мавжуд (масалан, Қозоғистон,

Беларус), Шунингдек, ушбу қонунда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши фаолиятининг ташкилий шаклини белгиловчи норма ўз ифодасини топмоғи лозим. Шу сабабли, қонуннинг IV бобини "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши фаолиятининг ташкилий шакллари" номли янги модда билан тўлдириш зарур: "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши ўз фаолиятини сессияларда, доимий ва бошқа комиссиялар, шунингдек депутатлар ваколатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишлари орқали олиб боради".

**Иккинчи.** ҳар бир конституциявий-ҳуқуқий институт фаолияти учун алоҳида аҳамият касб этувчи, ўзига хос омил бўлиб хизмат қилувчи хусусиятлар қаторида ушбу институтни қамраб олувчи асосий принциплар ҳам эътироф этиладики, улар орқали тегишли институтнинг мазмун ва моҳияти ҳамда аҳамияти очиқ берилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти ҳам конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида маълум бир жамият қонуниятларига бўйсунди ҳамда ўз фаолияти йўналишида муайян принципларга амал қилиши лозим. Шу боис, қонунни алоҳида модда сифатида маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари фаолиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, ошкоралик, ўз ваколати доирасида мустақиллик, масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилиш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни ифода этиш каби асосий принципларни назарда тутувчи норма билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

**Учунчи.** Ҳокимлар лавозимга тайинланаётганда маълум муддатга эга ўзининг тегишли дастурини тақдим этиши лозим. Шунингдек, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 25 моддасига ҳоким ҳисоботларни қанча муддатда тақдим этиш назарда тутиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Тўртинчи.** Кенгаш сессиясига қўйилаётган масалаларнинг тегишли доимий комиссиялар экспертизаси ва хулосаси асосида муҳокама қилиниши Кенгаш ваколатларининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади. Ҳозирги кунда сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалаларнинг доимий комиссиялар томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш билан боғлиқ «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида мустаҳкамланган функцияларнинг етарли даражада бажарилмаётгани, айрим долзарб муаммоларнинг оператив ҳал қилинмаётгани натижасида фуқаролар манфаатларининг рўёбга чиқмай қолишига сабаб бўлмоқда. Ривожланган давлатларда доимий комиссияларга тегишли вазифаларнинг норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилгани маҳаллий Кенгашларнинг ваколатларини оператив амалга оширилишини таъминламоқда. Ўзбекистонда ҳам ҳар бир доимий комиссиянинг қонунда қайд этилган функцияларини Кенгашларнинг доимий комиссиялари тўғрисидаги низомларда мустаҳкамлашнинг мақсадга мувофиқлиги намоён бўлмоқда.

**Бешинчи.** Доимий комиссиялар фаолиятини йўналтириш, мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, иш натижаларини умумлаштириш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш зарурати уларга доимий раҳбарликни таъминлашни тақозо этмоқда. Доимий комиссиялар фаолиятига раҳбарликнинг депутатлар ичидан сайланадиган ва профессионал асосда доимий ишлайдиган Кенгаш котиби томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

**Олтинчи.** Ҳокимнинг халқ депутатлари Кенгашининг раиси сифатида доимий комиссияларни шакллантиришдаги ролини комиссияларнинг рўйхати ва улар олдида турган вазифаларни депутатларга маълум қилиш билан чеклаш қонунининг «Доимий комиссиялар тўғрисида»ги низомларда мустаҳкамлаш зарурлиги тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда. Доимий комиссияларни шакллантириш жараёнидаги ҳоким ва унинг ижро маҳкамаси

иштирокининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги Кенгашларнинг мутлак ваколатини амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

**Еттинчи.** Тегишли давлат ташкилотларининг доимий комиссияларга мунтазам ҳисобот беришини доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларда мустаҳкамлаш уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришнинг амалий йўлларида биридир. Бундай ҳисоботлар Кенгаш, ҳоким ва юқори турувчи ташкилотлар норматив ҳужжатларини амалга ошириш юзасидан берилиши мақсадга мувофиқдир. ....Низомга қуйиги нормани киритиш лозим:

**Саккизинчи.** Доимий комиссияларга қонун ҳужжатлари ижросини ташкил қилиш ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг қонунга зид ҳужжатларини бекор қилиш бўйича мажбурий кучга эга бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши уларнинг фаолияти самарасини оширади. Ривожланган давлатлар тажрибаси доимий комиссиялар қарорларини ижро қилиш муддатини белгилаш ва уларни бажармаган ташкилотларга нисбатан чоралар кўриш комиссияларга юкланган функцияларнинг таъсирчанлигини оширишини кўрсатмоқда.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

### 1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
4. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
5. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.-Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
7. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. - 318 б.
8. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2007. -366 б.
9. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -280 б.
10. Karimov I.A. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko`tarish sari. – Т.: “O`zbekiston”, 2010. – Т.18. -264 б.
11. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -348 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мадеринизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. -320 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / 2009 йил 5 дек./ – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 32 б.
14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни

модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь сони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир” деб номланган маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь, №236 (5151).

18. Каримов И.А. 2010 йилда Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” дея номланган маърузаси // Ўзбекистон Овози газетаси. 2011 йил 22 январь, №10 (31.286)

19. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2011й. – 440 б.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -48 б.

21. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь, №239 (5659).

22. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

## **2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2012 й. 40б

2. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. 1993 й., 9-сон, 320-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимияти идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги конституциявий қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил. 3-сон. 146-модда.

4. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 134-модда

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда

7. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 04.04.2002 й. 350-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда

8. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 1-сон, 7-модда

9. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги (Янги таҳрири)

10. Ўзбекистон Республикаси 30.08.2001 й. 265-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 176-модда // Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-ИИ-сон Қонун билан ўзгартиришлар киритилган

11. 9.

12. “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. –2005. – №1. – 12- модда.

13. 10.

14. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 27.08.2004 й. 669-ИИ Қонуни билан тасдиқланган

15. 11.

16. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни//



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007.- №15.- 151-модда.

17. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи. 2008 йил 27 декабрь

18. 13. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)” ги қонуни. Халқ сўзи, 2011йил, 18 апрель.

19. Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 574-модда

20. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида (23, 78, 93, 98, 103, ва 117моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Халқ сўзи, 2014йил, 26 апрель.

### **Асосий адабиётлар:**

Хусанов О.Т. Конституция Республики Узбекистан и основы государственной власти на местах: правовые, организационные вопросы и проблемы. – Т., 1995 . -78 с.

Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият, - Т., Шарқ, 1996.-89 б.

Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг музоахаллари тўғрисида” ва “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунларига шарҳлар.-Т.:Адолат, 1997.- 80 б.

Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари, -Т., Университет, 1994. 46 б.

Якубова Д.Ш. Организационно - правовые вопросы деятельности местных Советов народных депутатов по реализации государственной молодежной политики. - М., 1991. -82 б.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. -Т.: Ўзбекистон.2008.- 406 б.

Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши (Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари). - Т.: Ўзбекистон. 1999. -96 б.

Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. -Т.: Шарқ. 1996.-76 б.

Қирғизбоев М. Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 205-207

Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997. – 400 б.

Таджихонов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.Т.: Шарқ.- 532 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Молия.- 2002 -645 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Дарслик.Т.: Т.Ю.Ю.И.- 2005 545 б.

Туляганов А.Т. Давлат ҳокимиятини вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. Т.: Университет, 1996. - 175 б.

Конституционное право России: схемы, комментарии. Учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 1999. – 64 с

Асадов Ш.Ф. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма Тошкент. ТДЮИ. 2012. – 237 Б.

## Қўшимча адабиётлар

- Азизхўжаев А.А. Ҳокимият тақсимланиши таомилининг амалий  
ифодаси // “Ҳаёт ва қонун”. 1994. № 2 . 4-7 б.
- Азизхўжаев А.А. “Демократия - халқ ҳокимияти демакдир.”//  
“Ўзбекистон овози” 1996. 25 январь
- Азизхўжаев А.А. “Мустақиллик: курашлар, изтироблар,  
қувончлар” // Халқ сўзи. 2001. 10 февраль
- Азизхўжаев А.А. “Мустақил бўлсанг - мустақил бўл давлат  
бўлсанг давлат бўл”// Халқ сўзи. 2001. 27 апрел.
- Азизхўжаев А.А. “Эркинликнинг ғалабасини мухрлаган қонун” //  
Халқ сўзи. 2001. 28 ноябр.
- Азизхўжаев А.А. “Халқ-ҳокимиятнинг бирдан - бир манбаи”  
//Халқ сўзи. 2002. 19 январь
- Азизхўжаев А.А. “Конституциявийлик тамойиллари ва  
кафолатлари// Халқ сўзи 2002 . 26 ноябрь
- Республика Узбекистан: Энциклопедический справочник // Авт.-  
сост.: Н.Тухлиев, А.Кременцова/-Т.: Гос.науч.изд-во «Узбекистон  
миллий энциклопедияси», 2001. - 448 с.
- Узбекистан и международные договора по правам человека.  
Отв.ред.А.Х.Саидов. - Т.: Адолат. 1998.
- Уразаев Ш.З. Власть и закон. - Т. Фан, 1991. 45 с.
- 0.
- Халилов Э.Х. Основные приоритеты Парламента Узбекистана на  
1. пороге и в начале XXI века.// Хуқуқ-Право-Таш. 2000. №2. С.3-8.
- Халилов Э.Х. Ўзбекистонда Парламентаризм мактабининг илк  
2. сабоқлари.// Қонун ҳимоясида. 2000. № 8. 3-86.
- Политические партии и движения в Узбекистане (Издание третье). -  
3. Ташкент, 1999. - 24 с.
- Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы  
4. совершенствования системы государственного управления в

Республике Узбекистан: Автореф...д-ра.юрид.наук. – Тошкент., 2004. - 46 с

Болтаев А.Р. Исполнительная власть в Республике Узбекистан. Монография. –Ташкент.: ТДЮИ, 2006.-268 с.

Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -262 б

Қирғизбоев М. Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: Шарқ, 2003. –Б. 205-207

Азизхўжаев А.А. Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши муаммолари. – //“Халқ сўзи”,1992 17 сентябр

Азизхўжаев А.А. Давлат бошқаруви турли муаммолари //“Халқ сузи”. 1992,.7 ноябрь

Азизхўжаев А.А. Мустақил Ўзбекистонда давлат қурилишининг долзарб муаммолар. – Т.: “Мулоқот” № 3. 1993. 3-6 б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Ташқи сиёсат масалалари кўмитасининг 2011 йил 15 сентябрдаги илмий – амалий конференция яқунлари бўйича қабул қилинган тавсиялари

### **Электрон таълим ресурслари:**

<http://www.lex.uz>

<http://www.legislature.ru>

<http://www.law.uk.edu>

<http://www.flexa.ru>

⋮ <http://www.law.harvard.edu>

•

⋮ <http://www.juristlib.ru>

•

⋮ <http://www.pravoznaves.com.ua>

•

⋮ <http://www.kursach.com.ua>

•